

Баҳоси: 58 з.

36  
39

М. СУЛТОНОВА

A-PDF Merger DEMO : Purchase from w



ФАН

828(436) 81.2 Чуб  
c 80 c - 85

УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

1 Janov

10122 ~~ЧУБ~~  
828(435) 34124  
с 89 Султонова  
21.  
Вотирхон Султонов  
(100 436. 34)  
10432 586  
9/14/83. 29 Ригу

828355

55045

49795

34124

26192

М. СУЛТОНОВА

## ЕЗУВЧИ УСЛУБИГА ДОИР

(ОИБЕК, А. ҚОДИРИП, А. ҚАҲХОР  
ВА С. АҲМАД ПРОЗАСИ АСОСИДА)

Описка 1999 г

Описка 85



DIZIMGE ALI'NDI-2010



УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» ОШАРИЕТИ  
ТОШКЕНТ - 1993



А. Қоджий, Ойбек ва А. Қаддор асарлари материаллари асосида ўзбек совет прозасининг тасвирий воситалари тадқиқ қилинди. Автор дозирги замон ўзбек прозаси тасвирий воситаларининг бойиш ва равнлик, тоғиз системасини унда социалистик реализмнинг түмудга келиши билан боғлайди.

Китоб адабиёт ғылувчиларига, филология факультетларининг студентларига, шунингдек, дозирги замон адабиётшумосларни проблемалари билан қызықувчиларга мұхажалланған.

Масъул мұҳарир  
филология факультетінің кандидаты *F. МУМИНОВ*

Султанова М.  
Езувчи услугисига докт., Т. «Фан», 1973.  
, б. (ЎзССР ФА А. С. Пушкиндың поэмасы «Тих и Адам»  
байт ин-ти.)

Султанова М. Вопросы стиля.

85а

0722-035  
335 (00) -73 108-73



НОВОДОСКАЗЫМ  
БИБЛIOГРАФИЧЕСКАЯ  
СТАТЬЯ

\*53

ИНВЕНТАРНЫЙ  
НУМЕР

55045

## КИРИШ

Услуб ниҳоятда мураккаб ва көнг маънодаги тушунча бўлиб, у ёзувчи ижодидаги гоявий-бадий хусусиятлар бирлиги, унинг дунёкарашини ифодаловчи поэтик тафakkur мевасидир. Шу билан бирга, услуб ёзувчининг роя, характер, тема, тил каби бадий компонентлар яратишлаги маҳорат, талантининг натижаси бўлиб, эстетик категориялар тушунчасига киради. Шу маънода ҳар бир ёзувчининг ўзига бир ёзувчига ўхшамаслиги, унинг адабиётдаги мустақил овози мазкур адаби услугини белгилашга хизмат этади. Айни чоқда ёзувчининг ҳаётини тадқиқ этишлаги ўзига хос йўли — ҳаётни қандай кўради ва уни қандай тушунилади; нимани таскиқлайди-ю, нимани ишкор этади — шуларнинг ҳамма-ҳаммаси услуб доирасига киради. Қисқаси, ёзувчи услуги — бу метод, маҳорат билан ҳам, традиция ва новаторлик билан ҳам, асар асосига олинган ҳаётйи материал билан ҳам, қолаверса, асар гоясими очувчи барча бадний компонентлар яратишдаги ёзувчининг ўзига хослиги билан ҳам изоҳланади. Ёзувчилар ижодидаги бир хил хусусиятларининг адабиётдаги умумлашган кўринишни мазкур адабиётдаги услуглар бирлигини ва ранг-бараганглигини келтириб чиқаради.

Шунинг учун ҳам ёзувчи услугини характеристлаши, адабиётдаги услуглар йўналишини аниқлаши ҳамиша маҳорат масаласи бўлгалингидан донмио адабиётшумосликининг диккэт-эътиборини тортиб келади. Услуб тушунчасининг ниҳоятда көнг маънина касб этиши эса унинг атрофидағи баҳспарларининг давом этишига олиб келади.

Ajlinlas af'odegi IMRPI  
Informatsiyalig' mazya uslubini

Кўринадики, услугуб фақат ёзувчининг индивидуал по-  
черки ёки адабий приёмлар йиғиндиши эмас, балки анча  
кент маънодаги эстетик категорияга киради.

Шунинг учун ҳам биз мазкур китобчада услугуга доир  
барча масалаларни қамраб олиш имкониятига эга бўл-  
маганингиздан фақатгина портрет ва пейзаж яратиш-  
даги ёзувчи маҳорати, персонаж тили ва ёзувчининг  
қаҳрамонга муносабати каби айрим масалаларнигина  
ўрганишини мақсад қилиб қўйдик.

Ана шу масалаларни ҳам этишда А. Қодирий, Ойбек,  
А. Қаҳдор ва С. Аҳмад каби санъаткорларнинг асарлари  
текширици объекти қилиб олиниди.

## ПОРТРЕТ

Бошқа бадний-тасвирий воситалардек портретнинг  
ҳам асарда ўз ўрни ва вазифаси бор. Портретга ажра-  
тилган ўрин, юкланган вазифа — ҳаммаси ҳам бир ман-  
тиққа, маълум бадний қонуига бўйсундирилган бўлиши  
шарт. Портрет ўз-ўзича, ўз ҳолича, ҳамма нарсадан ус-  
ту турниши, умуман асар йўналиши билан боғламасли-  
ги ўмумкин эмас. Унинг ўрнини ҳам, вазифасини ҳам асо-  
сан ёзувчи белгилайди. У истаса, қаҳрамон характерини  
чишишда портретга етакчи ўрни ажратади, истаса, порт-  
ретга бутунилай эътибор бермайди. Бу ёзувчининг сти-  
ли — у ё бу бадний приёмыга мойнлиги билан ҳам изох-  
нади. Лекин автор «ихтиёри» ҳам маълум даражада  
инсбий, тарихий тушунча: ҳеч вақт асарда портрет ўз-  
ўзича, вазифасиз бўлмайди. Вазифа ҳам ҳар бир давр-  
да, ҳар санъаткорда бир хил бўлган эмас.

Кишининг ташки қиёфаси (тор ва кенг маънода) севги-муҳаббат, тарбия, одат ва ахлоқ масаласи каби  
инсбий тушунча бўлиб ҳар бир давринг, ҳар бир халқ-  
нинг, миллатнинг: ҳар бир ёзувчининг ўз қарашлари, ту-  
шунишлари бор. Бу кунги тушунилган портрет тасвири-  
га келгунча катта тараққидан босқичдан ўтилди. Юон  
санъати, Ўйғониш даври адабийтининг ҳам ўзига хос қа-  
рашлари, гўзаллик критерииси, тушучаси бўлган, инсон  
кўриннишига бўлган муносабат ўз даврни талабларидан  
келиб чиқдан. Бошқача қилиб айтганда, инсон ва унинг  
қиёфаси ўз даврининг ифодачисига айланган.

Бир неча йиллардан бери томошибинларга мансур  
булиб келаётган француз киноартисти Жан Марзиниг  
ўзи ҳақида айтганлари юқоридаги фикрга характерни  
далилдир.

«Назаримда, менинг ташки қиёфам даврининг ўткини-  
чи, ўзгарувчи ва иоаниқ дидига мос тушди ва давр уни  
қандайдир бир вақт орасида қайд этиб, унга сайқал бер-

ди. Башқа бир замонда у мени рад этиши эхтимолдан холи эмас<sup>1</sup>.

Ҳозир ҳам турли савида, тараққиёт босқичида бўлган ҳалқнинг гузаллик тушунчаси турличадир.

Рус адабиётida яратилган ажойиб гўзаллар орасида ҳоллик аёни учрятмаймиз — ҳол руслар учун чиройлилик белгиси бўлмаган. Ҳудди шунингдек, «Ой образи на рус фольклорида ва на рус классик поэзиясида гўзаллик рамзи сифати кўринади»<sup>2</sup>. Шунинг учун биз бирор гўзал қозининг ойга ўхшатилган тасвирини рус ёзуучилар ижодида деярли учрятмаймиз.

Ҳозир Африкада яшовчи баъзи қабила аёллари орасида бадани кўйдириб турли шакллар чизиш гўзаллик саналади.

«Юз ва бадани раиг-баранг бўяш, бадани тилиб bezak тушариш, галати соч кўринишлари ва тақиҷоқлар бизларга гайри табиний туюлади, уруғчилик жамияти аъзолари учун эса ҳақиқий гўзаллик ана шуларда на-моэн бўлади...»<sup>3</sup>.

Исон доимо гўзалликка интилган, ҳамма нарсалан гўзаллик ахтарган. Санъатда, адабиётда исон гўзаллиги, аёл гўзалигини кўйлаш, тасвираш, айниқса, Шарқ ҳалқаридан юкори чўққига кўтарилига. Ҳалқ ижодида, фольклорда ёр гўзалиги, ҳаммани ҳайратга солуви чиройи масаласи алоқида, таърифларга сазовор бўлган. Шарқ классикларининг Навоий асарларини ўқиганномизда ёрнинг ташки қиёфаси тасвирини биринчи даражада қўйилганини кўриш қўйини эмас. «Ернинг гўзалигини мақташ, унинг бевоболигидан зорланши, севгисига содиқлик газалнинг доимий темаси бўлиб, адабиётда ав-лоддан-авлодга ўтиб келар эди»<sup>4</sup>. Навоийга, умуман Шарқ поэзиясига хос анъяналардан бири—ёрнинг ташки гўзалигини идеаллаштириш масаласидир. Ёрнинг холи, сочу, кўз ва қошлари, оғзи, киприги тасвири Навоий газаллари тематикасининг характерли хусусияти бўлган.

<sup>1</sup> И. Янушевская, В. Демьян, Жан Марэ, Человек, актер, миф, маска, 1969, М., Изд-во «Искусство», стр. 6.

<sup>2</sup> История русской литературы Узбекистана, Ташкент, Издательство «Фан», 1967, стр. 162.

<sup>3</sup> Эътиқод, кийин бош, гўзаллик, «Фан ва турмуш» журнали, 1969 № 9, 22–23-бетлар.

<sup>4</sup> А. Хайтметов, Навоий ларини, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1961, 171-бет.

Шоирининг хол темасига бир неча бор қайттани ва бу унинг севимли образларидан ҳисобланганни маълум. Навоий ўз достонларида Лайли, Ширин ва Диборонлар ҳуссанини таърифлашда шундай саҳиблик кўрсатсанки, уларнинг ошиқлари Фарҳод ва Мажниулар ўз матъшуқалари билан учрашгандарда ҳушларни йўқотгандар. Классик традицияига кўра, «Ёр образининг биринчи специфик хусусиги ва энг муҳим томони унинг гўзалигидир. Шу гузаллик ёрнинг эн асосий мазмунини ташкил этади»<sup>5</sup>. Табиат яратган реал гузал нарсалар ёр олдида хижолатланганилар.

Шундай позициядан келиб чиқиб, санъаткор ҳушламаган — ўзида ёмонликни мужассамлаштирган персонажлар ўта хуонук, кўринишда инсонига хос бўлмаган қандайдир чизиқтарига эга бўлган. Есумон, Ялмогиз кампир тишидаги бу традицион образларни ҳалқ достонларида, классиклар асарларида учратамиз.

Классиклар асарларираги «ёр образининг гоявий мөхитини унинг ташки гўзалигига орқали очишига»<sup>6</sup> бўлган интилишини буз шу анъянларда тарбияланган Абдулла Қодирий асарларида ҳам кўрамиз. Бундай бўлишининг ўз тарихий сабаблари, чукур илдизлари бор, албатта, Чунки Абдулла Қодирий янги даврда ўзбек адабиёти тарихида биринчилардан бўлиб, ҳозирги матаънида тушунилган замонавий прозага мурожаат этар экан, даставвал ўз адабиёти традицияларига сунинган.

Абдулла Қодирий ижодига романтик руҳ сурорилган ўзбек, умуман Шарқ классиклари асарларининг таъсири катта бўлган. У янги давр муҳаббат достонини яратишни ўз олдига вазифа қилиб қўйр экан, унга ўтмиш айланалар таъсири стакчиларни қилиб туралди. Абдулла Қодирий ижодида, шу жумладан, «Ўтган кунлар» да ҳаётни «кутариб тасвирилаш», романтизм кучли экани текширувчилар томонидан қайта-қайта таъкидланиши бежиз эмас. «Романтик кутариникилек, айниқса бош ижобий ҳаракомилар бўлган Отабек билан Кумуш образларида, уларнинг ўзаро муносабатларини тасвирилашда жуда кучлидир. Умуман, характерлар тасвирида ҳам Абдулла Қодирий кўпроқ романтик мактабга хос приёмлардан фойдала-

<sup>5</sup> Уша асар, 175-бет.

<sup>6</sup> Уша асар, ўша бет.

ланади<sup>7</sup>. Буни биз бадий-тасвирий воситалардан бўлмиш портрет яратишда киши кўринишига бўлган тала-  
бидаги ҳам кўрамиз.

Абдулла Қодирий яратган Кумуш портретини, унинг ташки кўринишни тасвирини бир сўз билан қисқа қилиб айтинг бериш қўйин. Чунки ёзувчи бу портреттинг «тасвири-ламаган», балки чизгани. Ёзувчи идеали бўлган, унинг бутун фикри-зикрини банд этган Кумуш ташки жиҳатдан шундай мукаммалки, унга бирор қўшимча тасвир қўшиш ортигча бўлур эди.

Кумуш образи шак-шубҳасин ўзбек прозасин кашфи-тидир. Бу кашфиёт маибалари классик адабиётта, халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврининг янгилликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш достончиллик, романчиллик ва ҳикоячилликларда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замонининг «Тоҳир ва Зуҳра» лари, «Чор давриши» лари, «Фарҳод ва Ширини» ва «Баҳромғур» ларини билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз»<sup>8</sup>. «Утган кунлар» романининг сўз бошисинда унинг муаллифи томонидан айтилган бу сўзлар Абдулла Қодирий ижодини таҳдил қилишга, роман жаиридини шаклланиши маибаларини белгилашга, бо соҳадига изланишилар ҳақида фикр юритишга ёрдам беради. Ҳозирги маънода тушунилган ўзбек адабий прозаси жаңр сифатидаги фақат совет давридагина янги воқеълик талаби билан шаклланган ва ривожланган. Лекин бутун бир жаңр яратилишини фақат давр талаби билан, ёки бирор адабиёт таъсири билан боғлаш тўгри бўлмаса керак. Чунки Абдулла Қодирий «Утган кунлар» ининг дастлабки парчалари 1922 йилда эълон қилингани эди. Революция галиба қынганига энди 5 йилгина бўлган, рус адабиёти ҳали кенг планда ўзбек китобхоналарига етиб келмаган эди. Ўзбек прозасининг яратилиши ва шаклланиши тарихини кўрсатувчи маибалардан биро бой классик адабиёт ва бой ҳали ижодидир. Абдулла Қодирий ижоди, асарлари бу фикрининг тўгри эканини исботлашга бой материал бермоқда.

<sup>7</sup> «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки», II том, Тошкент, 1962, 187-бет.

<sup>8</sup> А. Қодирий. Утган кунлар. ЎзССР Давлат бадижон адабиёт ширкоти, Тошкент, 1968. Бошқа мисоллар ҳам шу нашардан олган.

Абдулла Қодирий классиклар изиздан кетиб — яхши одам чиройли, ёмонлар хунук деган қарашни қабул қилиди ва асарларидаги тўла татбиқ этди. Кумуш ва Отабек севгилари Лайли ва Мажниулар, Фарҳод ва Шириналар каби бир-бирларини биринчи кўришларидан бошланди ва умрларининг охиригача давом этди, фожили туғади. Абдулла Қодирий ўзбек халқининг яхин ўтмиши материалига мурожаат этар экан, илгор позицияда туриб, янги давр кишиши сифатидаги ташланган материалига ёндашди, қаҳрамонлари кўринишига ҳам шундай мусносабатда бўлди. Классиклар асарларидан илҳомланган Абдулла Қодирий улардан энг яхши томонларни ўрганиди ва уларни ривожлантириди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Кумуш Лайли ва Шириналардаги мукаммалликка эга. Лекин шу билан Кумуш улардан бошқача. Агар Лайли ва Шириналар портрети — кўринини гўззалик чизикларни билан мукаммал таъминланган бўлсалар (уларда зеллини чиройли қилидиган ҳамма нарса бўлса), Кумушда ҳам шундай белгилар — чизиқдар бор. Бу чизиқлар Кумушнинг «ўзинники», унинг индивидуал портретини ташкил қиласан. Хулоса қилиб айтигандан, у умумай чиройли эмас, балки конкрет ўзигатини хос портрет чизиқлар билан таъминланган. Учин маънодаги реалистик образидир.

Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонини обдан кўриб, бутун тасвилотлари билан эринимасдан чизади, персонажларнинг қалбига чукур киреб боради. Уларнинг кундаклик ҳаётлари, чукур муҳаббатлари билан ўқувчи ҳамфир, ҳамдард.

Абдулла Қодирий «Утган кунлар» романидаги ўзбек халқи ҳаётидан шундай бир даврни олдики, бунда аёл ҳусни, ташки қиёфаси тақдирини белгиловчи асосий омиллардан эди. Феодализм инҳоят авжига чиққан, инсон қадри пул, бойлик билан ўлчанган, унинг тақдирни эса, айниқса аёл тақдирни турли тасодиfiler билан боғланган эди. Ҳукм сурған жамият аёлни, унинг ҳаракат доирасини чегаралаб қўйди, ундан ҳақ-хуқуқ билан бирга мустақил фикрлашни ҳам олиб қўйди, унинг иносиятта фойда келтириши мумкин бўлган қобилиятини иштирек этиди; ундан қилинадиган талаб ҳам кўп эмас эди. Жамият унинг вазифасини ҳам, бурчини ҳам чегаралаб қўйди, уй ичидан чиқармади. Унинг учун бошқалар ўйлали, тақдирини бошқалар ҳал қиласи. Хотин-қизларнинг

бүрчлары шундай чекланган экан, ҳаётда уларнинг ақли ва қобилияти инобатга олиниса экан, ҳаётдан бутун четтатилган экан, булаарнинг ҳаммасини унинг ташқи кўрининши, уйнадагиларга сўзсиз итоати тўлдириши керак эди. Кумушин Тошкентда кутиш маросими: ҳамма тўпланганилар марғилини келинининг таърифи ни эшикта, лекин ҳеч ким унинг худқи-авторини, ақлини билмайди. Кумуш эшикдан кўрининши билан «кути турган хотинлар, Можира ойим, Хушрӯй ва Ҳанифалар Кумушни кўрган он бир-бирларига қарашиб лабларини тишадилар...» (306-бет). Шу ҳаракат жуда кўп маънони билдиради. Кумуш Зайнабдан чиройли, Зайнабнинг ҳаёти энди қандай буди экан? Кумуш фахат чиройли эмас, балки ақлини ва одобли. Бу фазилатлардан ҳали бехабар бўлган Зайнаб қариндошларининг тинчлиги бузилишига асос— чиройлиниларни ўзи катта фазилат деган тушунчанинг улар оиласига мустаҳкам сингитида ҳамдир. Раъио (*«Мехробдан чаён»*) тақдирини ҳам ҳусни ҳал қиласай деб қолди. Худоёрға эшкима-эшик сангиб, қиз қидириб юрган аёлларга қизининг чиройли бўлиши етари эди. Бошча ҳамма нарса—талантни, қобилиятни, тарбияси бу асосий фазилатга— ҳуснига иловадек бўлиб кетаверади. Езувчи Кумуш ва Раъиони чиройли килип тасвирилар экан, бу фазилатига уларнинг ўша давр қишиларига, аёлларига камдан-кам мусясар бўладиган олий туйгу—муҳаббат ҳам адо этади. Гарчи Кумушнинг муҳаббати бирмунча пассивироқ бўлса ҳам, бу туйгунинг унда пайдо бўлиши унинг ҳуснига ҳусн қўшади. Езувчи Кумуш тарбииси, яшаш шаронитидан келвад чиқиб муҳаббат масаласида унинг фаолиятига активлик киритмаган.

Муҳаббат ор деб тушунилган у даврда бу туйгу ахлоқ қоидаларига ёт бўлганд. Ахир, Кумуш тасодифан кўриб севиб қолгани йигитнинг ким эканлигини билиш у ёқда турсин, ўз кечнималлари ҳақида бирор кимсага оғиз ҳам очмади. Абдулла Қодирий пассин, тақдирни ҳал бўлаётган вақтда ҳам бирор мунисабат билдиримаган (кўз ёшлиларни қизларнинг турмушга узатилиши олдидаги табиий ҳолати деб қараш одат тусига кириб қолган) Кумуш ҳаракатларини маъқуллайди. Езувчи ўз қарашларини очидан-очиқ билдиримаган бўлса ҳам, Кумушга нисбатан, унинг ҳаракатларига— тасодифан кўриб ҳаёлини, қалбини, борлигини банд этган олий туйгуни яширишта

чтироуз билдириласлиги, буни давр камчилиги сифатида талқин қилмаслиги ёзувчни истаса-истамаса Кумуш тарбиясини маъқуллашга олиб келади. Чунки ёзувчи аёллардаги ҳаёни, одоб-иффатни улуғлар экан, бу тушиналарга маълуму даражада эскича назар билан ҳарагади. Отабекчи? У ўз даврнинг илгор қишиларидан— у оладиган хотинни кўриб, билиб уйланиш тарафдори. Лекин у ҳам ота-она оруси деб иккичи марта, ўзи истамагани ҳолда, уйланишига мажбур бўлади. Езувчи севимли, чиройли, ақлли қаҳрамони Отабекнинг иккичи марта уйланишига қарши бўлса ҳам, унинг ота-онаси истагига қарши турга олмаганини, ўз сўзини ўтказа олмаганини ёқлади. Отабек ҳам чиройли, ақлли йигит. У ҳам ўз даврнинг фарзанди — қарашлари ўз даврига нисбатан прогрессив бўлмасин кўп масалаларда, чунончи ўз тақдирини ҳал қилиндида ота-она орусига тескари турга олмайди. Қаҳрамонлардаги пасивлик, ўз баҳти ва сиздати учун кураш, сўзини ўтказиши, орзуларини амалга оширишдаги маълум пасивлик давр билан, айтиналар билан боғланниб кетади. Отабекнинг бошқа иложи йўқ, ёзувчи Отабекнинг иккичи уйланишига сабаби бўлган онаси Узбек ойимни доим фош қилиб туради, унинг оналик ҳукуқини суннитъемол қилишини таъкидлаб туради. Шундай қилили, гўзал Кумуш ва Отабекларининг янада чиройли бўлышларини ёзувчининг уларни ўз даври фарзанди эканини таъкидлашида ҳам кўриш мумкин.

Ромаида асосий қаҳрамонлар ҳам ва бошқа персонажлар ҳам тасвирий йўл билан яратилади. Умуман, асарга хос ҳаракатлери томон—ундаги воқеалар ҳам, қаҳрамонлар ҳам ёзувчини ҳикон қилиши ордали яратилади. Бутун асар воқеаларининг берлиши тартиби, оҳангни мана шу принципга бўйсундирилади. Езувчи Отабекни воқеаларга аралаштирас экан (бу бошқа ҳамма образларга ҳам тааллуқли), аввал унинг кўрининшини тасвирилайди: «...оғир табиатни, улуг' гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган, қора кўзли мутаносиб қора қошлини ва эндинига мурти сабз урган бир йигит!» (5-бет). Бундан кейин Отабекнинг портретига кўнда мурожада этилмайди, лекин унинг кўркун эканлиги, бир кўрган одамга маъқул тушшилиги ҳақида гар кетади. Кутидорга ҳам, унинг оила аъзоларига ҳам Отабек маъқул тушади, лекин уларнинг кўзи билан Отабек портрети деталлаштирилмайди. Улар Отабекни, умуман, бутунлигича кўра-

дилар ва у кўрувчиларга маъжул тушади. Отабекларнинг тўйи куни «...маҳалла кишилари бир-бирларини туртишиб... тузук-тузук, куёвликка арзигуидек, чаки чаккига тушмабди; олма-ю аюор!» дейишдилар. Томда кўёв кутуб ўтирган хотинлар орасида Офтоб обиймининг эгаси ошиқиб синглиси ёнига тушди-да: «Офтоб, дарров исироқ ҳозирла, куёвнинг ёмон кўздан ўзи асрасин!» деди. Кутидор эшин остида кўл қовиншириб меҳмонларни кутуб олади, ер остидан кўёвига кўз қирини ташлаб, кишига сезидирмай ўзича кулисимираб қўядилар» (55-бет).

Езувчи Отабекнинг хуснодорлигини таъкидлаб турувчи муҳит яратади. У қаерда бўлмасин, ким билан бўлмасин, албатта воқеа марказида бўлади ва атрофдагилар ёзтиборини ўзига тортиб туради. Кумуш портрети ҳам ёзувчи томонидан чизилади. У воқеа марказига кирад экан, албатта ундан чиройлилик белгиси таъкидланиб борилади. Кумуш қандай ҳолатда бўлмасин, қандай руҳий кечинималар уни банд этмасин, барийр у гўзал. Ёзувчи Кутидор онласи билан бирма-бир таништирил экан, навбат Кумушга келади. «Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турли томонинг тартибсиз суратда тўзғиб, қуёв юқ жигнталак киприк остидаги тимқора кўзлари бир нуқтага тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўсиб кетган инифис, қийинқ қошлиари чи-мирилганда, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек губорсиз оқ юзи бир оз қизилликка айланганда, қимданидир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайнириб ушлаган оқ кўллари бидан латиф бурининг ўнг томонида табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қишиди ва бошини ёстиқдан олиб ўтириди. Сариқ руноқ атлас кўйлакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Турби ўтиргач, бошини бир силкитди-да, ижирғаниб қўйди. Силкинни орқасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб жонсиз бир суратга киргизди. Бу қис суратнда кўрининг малак Кутидорнинг қизи — Кумуш биби эди!» (27-бет). Бу ердаги тасвири «соғи эмас, балки ўзувчи уни бириничи марта ташки кўрниши билан фикрини нимадир банд қраганидан хабардор. Қейинчалик мальум бўлишича, у ошиқ эди. Қўнгилга мұҳабbat ўтни ёқсан, хаёлнини ўтираган йигитнинг кимлигини билмайди, танимайди. Шундай қилиб, ёзувчи Кумушнинг кўксини мұҳабbat қоплаган ҳолда асар воқеаларига олиб киради. Кўрини-

ши орқали, ҳолати орқали унинг ички кечинималарига, хаёлнини аллақандай нарсалар банд қылтанига ҳам имо қилиб ўтади. Ёзувчи Кумуш кўрнишини унинг ҳаракатида куради.

Кумушнинг кўргулиги жуда кўп бўлди. Кўп руҳий кечинималар Кумуш кўрнишига таъсир этмай қолмас эди. У Отабекса узатилаёттанини билмасдан кўл озор чекади: «Кўп йинглаганиликдан кўзлари қизартган, қовоқлари шишиган, юзлари бўргтан эди» (48-бет). Аммо бу ўзғарышлар унинг хуснини, латофатини бир зарра ҳам камтимади, балки «ўн қайта оширган»ни ёзувчи таъкидлайди. Чуқур руҳий кечинималар Лайлини ҳам дардга ҷалиб қўйган бир вақтда Алишер Навоий унинг жуда ҳам гўзал бўлиб кетганингни ажойиб мисраларда тасвирлаган эди.

Кумуш ташки қиёфасининг тасвири унинг ички кечинималари тасвири билан қўшилган вақтда А. Қодирий маҳорати ниҳоясига етади. Кумушнинг тўйи куни. Унинг ҳасратининг чеки йўқ. Ёзувчига Кумуш баҳтигининг асосий сабабини Отабек керак бўлиб қолади: «Нега дессанги, у келсин эди-да, севганини бир кўрсан эди» деб ёзувчи Кумуш унинг ҳолати билан тасвирлашга ўтади.

«Отабекнинг психологик ҳолатлари ҳар хил ўйлар, чека воситалар билан бошқа шахслар қисмати билан қиёллаш (уста Олим Ҳикояси), кўй-музика воситалари билан тасвирланган бўлса, Кумушнинг психологик ҳолатлари бевосита ўйлар билан ундан портрет ўзғарышларни чизиш йўли билан акс этирилади».

Абдулла Қодирий маҳоратининг «сири» шунда ҳамки, у ҳар бир характер ва образнинг мөҳиятидан келиб чиқиб унга мос келадиган тасвирик воситалар ташлаган.

Отабек ўз ташиншларига берилиб, ўйда ўтирамайди, нималар биландир банд бўлади, қаерларгадир боради, кимлар биландир учрашади. Бу жиҳатдан ҳам Кумушга қийин. Дардини ичига солади, бу эса унинг кўрнишига таъсир этмай қолмайди.

Кумуш қисқа умр кўрди, лекин шу қисқа умр турли кечинималар билан тўлди. Севгани билан эди тоғишиб баҳти бўлган Кумуш, хёнат истижасида Отабекдан ажратилиди. «Урта эшикдан Кумушбиби кўринади. Бу-

\* М. Қўшжонов, Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати, Тошкент, «Фан» изашвили, 1966, 60-бет.

рунги тұлалығы кетіб, озғыланған үа лекин бу озғынлік үннің хүснінгі камчылық бермей, билілдік юқорилаттады. Қамон қошлары ортың мавжұр үрүб үзінін күрсатған, бироз бота түштегі шаҳдел күзлары тәғін ҳам тим қоралық, тәғін ҳам нұралылар касб этген зәдилар. Бу күнгі соңыққа қараш кийніл олған соғасар пүстіннінгің әқалығы қишиншін жақсадын орттири, нағис бағбақаларының үлпіб өтәр зәдилар. Бирок унда бир камчылық бордек күрінір зәді: шаҳдел күзлар бурунгідең үйнап түрмас үа сүнг чекидаги бир оғырлік билан қарасатланар зәді. Бир томондан қарасағанда оғырлік-да унга бері олийлік, улугиорлық бағылшылғандек» (205-бет). Құмуш билан болғыл ғұлған өзектеларда үннің хүсні алғатта қандай ғұл билан бұлмасын таъкидланады. Иккі ғылыми айрылғы нықосынға етайдеб қолди. Құмуш Отабекдан хабар топди. «Шам қаршиңында қызырған шаҳдел күзлары, әш билан синган жиңигелдің күнпірлары, чимиршилік түсдек қора қошлары уни аллақаңдан бир ұртада құйған зәдилар» (258-бет). Езувчи Құмуш қарасатыда, қарашларда рүй берған үзінші маңындарының тасвирлаб үтірмайды, балқы қаңдайдыр ифодаси қынна бұлған бир ұртада эканнин таъкидлайды: «Күмушнин қүзінде бир түрли гиантлыштар борады» (366-бет). «Айтинг қозір! деди үа жоду құзини аллақаңдан ұртатта құйді» (317-бет). Хұлоса қылыш айттығанда. Құмуш нима қылмасын, қай қайғиятда бұлмасын, үа чирайлік. Үннің күрініншида рүй берадын ҳар бир «қарасат» ҳам катта мазмұн билан, күтарникілік билан таъминланады. Қайғияттада содир бұлған оның үзіншілар ҳам յозінда, үз қарасатлардың, күзлардың аке этиб турады. Отабеккінің нағыбатдағы Марғилоңға келишидан мақсад ота-онасига берілған ваддан бажарып — иккінчи үйләнештегі розилик олиш зәді. Қумушнинг «ер остидан сескіннінға бир күлібі» боқиши «Отабекдә ажыб бир инқи lob ясасаң зәді... Қумушнинг әлгіз шу бир күліб қарашынға Отабеккінің бундан кейин Тошкентте бормасыл, ота-онасарларының оразуласын амалға оширасыл қарорнің көлтирді. Езувчи күлиб боқиши мазмұннин таҳдил қылмайды. Буни Отабекка қылған таъсіридан үкіб олиш мүмкін.

Асарадагы ҳамма ижоб қархамонлар чирайлой, әкимлиқ қылыш тасвирланған. «Миразакарим ислемле қырқ бешшіллік ғышлар чамасында, қора қош, қора құа, күркем үз, яхшиғина кийнінгін бир киши...» (12-бет). «Танчаннинг иккін сиңіннен иккі хотин—булардан биттаси ичидан атлас

куйлак, устидан одми хонатлас гүппи кийтін, боянға оқ, даканан хом ташлаган, үттіз беш ғышлар чамалы ғұзал, шүбічім бир хотин. Юздан мұлойімлік, әриға итоат—тұғрилік мәтіндарын томиб түрган бу хотин Қутидорнінг рафиқасы—«Офтоб ойым» (26-бет). Қосуубек әжін ҳам «...тұла күркем үзінні, катта мала қүзін, узун мөшін-туңч соқоллы мұлланамо бир зот...» (79-бет).

Романдагы Құмушдан кейінгі чирайліләр аёл Саодат-дир. Биз қоюрда қархамонлар портреттін асасан әзувчи томонидан чиззилишін таъкидлаб үттеп зәдік. Саодат образы тасвирида зәс бу принцип үзінграды. Езувчи асар өзекісінде Саодаттың уста Олим қынжыс орқалы олиб кирады. Асарда Саодат үз-үзінча эмас, балқы уста Олим ҳаётінде үйнаган роли билан ажамиятты. Саодат уста Олим қараштарты, мұносабатлары таърифи орқалы талқын этилады. Объектив жиһадаттан Саодат уста Олим таърифлаганичами, ілімкіи буни тасдиқлаш шарт эмас. Саодаттың бирнічи марта күрган уста Олимға у маңқұл тушида, нимаси биландыр үнга таъсир этиады. «...күннінг гүноңсіз үйнаб түрган қора қүзлары, қызил өлмәдек тарам-тарам үзіларын күз үнгілде турады; «...үннің қошини, қүзини, түснін, құғыркоңек қаддин» зәндән чиқа-ра олмайды. Саодатта бу чизиқлар бор бұлғанмы, бу ажамиятсыз. Ҳамма гап уста Олим Саодаттың шүндай құрғаннанда, шүндай эслаб қолғанида. Биз шуны тұғрилігінде ишонамыз. Бу портрет ишектең субъективті, күруүчідің шүндай таассурот қолдирған. Уста Олим ҳаёті, үннің севгіи достонан Отабекка күчүн таъсир этиады. «Отабек әртегі намозға турғанда күзі Шамшодбекнің базимидан азонда қайтиб келіп, донғ қотиб үхал өттән Сайфига (Саодаттың үласига) түшди. Үн беш ғышлар чамасында бұлған бу ғынғыт үзіннің үткір хүсні билан Саодатдан хабар берар зәді» (199-бет). Отабек шу билан уста Олим томонидан тасвирланған. Саодат портреттінг обьективтілігін таъкидлалғандык бўлади. Езувчи Саодат билан фақат уста Олим орқалы танишишига қарамай, уни севиб қолади, уни уста Олим таърифлагандек деб билади. Бу ҳам әзувчининг яхшилар чирайлік деген умумқарашибада келіп чиқады. Саодат билан уста Олимнинг севгиси, Саодаттың устага бұлған чекіз мұхаббаты, содиқлиғи устага үннің чирайлік бўлишнин таъминлаган. Биронға яхшилик қылувчи үзіга ишқебатан мұхаббат үй-

тотувчи аёллар (ё йигитлар) хунук бўлмайдилар. Уларнинг қалблари бунга йўл қўймайди.

Ёзувчи хуш кўрмаган, Кумуш ва Отабек баҳтларини поймол қўлган кишилар асарда ўзларининг хунуклиги, қандайдир қўпол, беўхшов ҷаракатлари, чизиғлари билан ўкувчидаги нафрат ўтиготадилар. Табиат яратган кўринишга (унга одамнинг ўзи айбор эмас) уларниң ҳилиқларидаги, гапларидаги ўшшовсизлик, ёқимсизлик, ичиқоралик қўшилиб бир бутун ҳодла умумий бир тассурот қолдиради. Отабекнинг душмани Ҳомид: «узун бўйли, қора, чўтири юзли, чогир кўзли, чувоқ соқол, ўттиз беш ёшларда бўлган кўримиз бир киши эди» (б-бет). Езувчи портретининг объектив тасвирини берни, охирида умум ҳуқмини чиқаради. «...Унинг туисидан йиртқичлик, бир гуноҳсизнинг устига ҳужумга ҳозирланган ваҳийлик белгилари кўрилур эди» (60-бет). «Ўзининг қиёфасига яраша қўрқин ўйлар излар» эди унинг (59-бет).

Езувчи воқеалар давомида «худо яраттани қиёфани ўзgartиришда инсоннинг ички мазмуни ҳам катта роль ўйнашини кўрсатади. Ҳомид иншатларининг ифлослиги ташки қиёфасига ҳам таъсири этган бўлиб, унинг юзида акс этиб туради.

Ҳомид режаларини амалга оширишда унга ёрдам берган «Жаннат ердан бибич олгавандек пак-пакана, бурни юзи билан баробар, дебрли тен-текис, кўзни қоқкан қозинк ўриниден чун-чукур, оғзи кулоги билан қошиқ солишишар дараҷада катта, юзи қирқ йиллик оғриқлариникидек сап-сарни, қирқ беш ёшлар чамасида бир хотин эди» (164-бет). «Йигит отиши тут ёғочига боғлаб, уйга томон юрган ҳам эдик, бурчакдаги хароба ўйдан ўзини тузатиб, ўқувчишининг Кутидор доҳлисизда кўргани, пакана хотин гўё оналарининг «зинендо алавти» ларидек хунук қиёфатда йигитга қараб югуриб кела бошлади» (171-бет). Бу хотиндан туғилган ўғил қаёқдан борар эди. «Йигитма икки ёшлар чамасида бўлган ба йигит сариқ таъли, уккенинг қўзидек чакчайб ўйнаб ва ёниб турган қизил қўзли, юзига парчинлангандек юза (пучук) бурууди, манглайи қанча ташқарига ўсиб чиқсан бўлса, юзи ўшанча ичкарига кетган, қисқаси, вақтсизроқ яратилиб қолган бир маҳлуқ эди» (170-бет).

Эди Зайнабга келайлик. Зайнаб ҳам ўз даври қизлари сингари эрга кўрмасдан, танимасдан тегди. У эри Отабекни севиб қолди. Нима қислин? Унда нима айб.

Бундай қараганда Зайнабни кўпда айблаб ҳам бўлмайди. Лекин ёзувчи Зайнабни маъқул кўрмайди. Чуни у ўз тақдиринга таъни берни, эри ва Кумуш муҳаббатларидан «илҳомланиб», уларга шаронт яратиб бермайди. У эрини раши қиласди, нима бўлса ҳам узи ўзи билан сақлаб қолгиси келади. Агар ёзувчи Отабекнинг иккенин марта уйланишига Кумушининг розилинг беринини унинг фазилати сифатида таъкидласа, Зайнабнинг Отабекка бўлган муҳаббатига гайрилр қиласди. Зайнабга ишебтган бўлган ёзувчига мураккаб муносабат унинг ташки қиёфасини тасвирилашга ҳам таъсири этган. Лекин ёзувчи Зайнабни хунук қилиб ҳам беролмайди. Чуни бундай қилини воқеалар мантиғига тўғри келмас эди. Ўзбек ойим ягона ўғлиниг қиз қидирад экан, албатта кўринининг бефарқ қарамаслиги ўз-ўзидан маълум. Шундай экан, Зайнаб кўринининг бўлган муносабатда маълум мураккаблик келиб чиқади.

«Ўтган кунлар» Абдулла Қодирийнинг, умуман ўзбек совет адабйётининг биринчи йирик прозаик асари эди. Шунга қарамал, у жуда муваффақият қозонди — ўзбек адабйётининг классик асарига айланди.

Катта тажриба ортириган ёзувчи бир неча йилдан сўнг «Мехробдан чәён» асарини яратди. «...Менимча, «Мехробдан чәён» «Ўтган кунлар» га қараганда китобхон кўнглига яқинро, ўтиргандек,—деб ёзади «Мехробдан чәён» нинг ёзилиш тарихидан» мақоласида Ҳ. Қодирий,—ва унинг сабабларини «Мехробдан чәён» да бальзи жиҳатлардан сарбошлик, жийдийлик сезилса, муаллифа ўсини, камолот кўрилса ажаб эмас...»<sup>10</sup> деб билди. «Мехробдан чәённинг бутун мундарижаси ёзувчи ўз дунёкаришида ва тарихий тасвири этишда бир неча поғона баландга кўтарилиганларни намойиш этиди»<sup>11</sup>. Абдулла Қодирий ижодида реализм янада чуқурлашганидан далолат беруви бу асарида портрет яратни масалаларида ҳам ёзувчи позициясида бирмунча «прогрессиз» томонлар кўриниди. Бизнингча, «Ўтган кунлар» да эртакнамо элементлар бор эди. Отабек ва Кумуш севигларидаги романтик бўёқ, ҳис-ҳаяжон жуда кучли эди. Езувчи аввалидик чироийликни киши фазилатига қў-

<sup>10</sup> «Шарқ қалдузи», 1968, № 2, 174-бет.

<sup>11</sup> И. Султонов, Абдулла Қодирий ижоди ҳақида, «Ўтган кунлар», Тошкент, Ўзлабабийшаш, 1958, 17-бет.

шади, лекин ижобий қаҳрамонлардаги бу фазилатларни яна бошқа томонлар билан бойитади. Кумушга (агар у үзининг пассивлиги билан янада гўзал бўлсан бўлса) қараганди Раъно ачча прогрессив—актив образ. Үнинг дунёқараси, атрофидаги воқеаларга, одамларга, қолаверса Айварга бўлгани муҳаббатда пассивлик ёйк. Бошқача қилиб айтганда, бир давр фарзандлари Кумуш ва Раъно образларидаги қандайдир умумийликдан ташқари, Раъновда тийранлик, «ҳаётга» яқилиши сезизлади. Раъновнинг гўзаллигин унинг бошқа фазилатларини босиб кетмайди, стакчи ўринга кўтарилимайди. Раъно шонира қиз, отасига ўз даври қизлари кабин тўла итоатли. Лекин шу билан бирга отаси ҳарактеридаги камчимликларга объектив қарай билади. Ва, ниҳоят, Раъно ўз тақдирiga пассив қараб турмасдан, Айварни ўйлуга солиб бирга шаҳардан қочиб кетади. Езуучи Раъно фазилатларининг кўплигини тасвиirlаш билан «овора» бўлиб, ҳа деб унинг портретини (Кумуш синагри) чиза бермайди. Ахир, Раъно ўз даври учун катта жасорат кўрсатган қиз-да: «Жасур қиз деб ўйлади Айвар. Чиндан ҳам бу жасуруна исен хотин-қизлар томонидан Дохобернинг ҳайвоний истагига қарши биринчи кўтарилиш эди»<sup>12</sup> (206-бет). Демак, Раъновда хуснига хусн қўшадиган, ҳаммага ҳам мусассар бўлавермайдиган жасорат бор эди (Бу ерда Раъновда Кумуш образларини портрет аспектидаги солиштираб, Раъно образини Кумушга қарама-қарши қўйиш иньтимиз ёйк. Кумуш Абдулла Қодирийнинг, шунингдек ўкувчининг ҳам севимили образи. Бу билан биз ёзуучи дунёқарасидаги ўзгариши, унинг ижодидаги реализмнинг тобора чукурлашиб боришини таъкидламоқчимиз). Можирилик билан аниқ чизилган Раъно кўриниши унинг ишҳоятига гўзал эквалигини кўрсатади. Езуучи Раъно портретини чизар экан, унинг ҳақида ўкувчи тасаввурини янада бойитиш мақсадида тасвирини майдада деталлардан бошлайди. «Бизнинг ўзбекларда, айниқса, Қўонга маҳсус бир тус, сарникда мойна бир тус бор». Лекин бу туслини кестириб сарик, деб бўлмайди. Чунки биз оғрик книшининг туслини сарик деймиз. Зарча, зальфар туслари ҳам бунга дагаллик қиласидилар. Таъбиризимиз қўпол тушимаса,

<sup>12</sup> А. Қодирий. Мехробдан чой, Тошкент, ЎзССР. Даъват бадий адабий нашриёти (бундан кейинги миссолалар ҳам шу нашрдан олинган).

бу гўзал қиз, оч раъно гулнинг тусида ёки оқ-сариқ тусда пратилган эди. Аъзода ўсган тўкларга ҳам ҳалиги тусининг таъсири бўлади. Раъновнинг сочи гунгурт-қора, яйни кўйениш жойлардаги қора кўриниса ҳам қуешда бир оз сартиш бўлиб кўриниар эди. Шунга ўхшашиб, Раъновнинг кўзида ҳам буниинг асари кўрилади: мудаввтарга мойилроқ жоду кўзи книшига қаттиқ қараганди, қоралидан бошқача яна бир турли ҳизгиш нур сочар эди. Кинриклиари остида нафис бир сурма донраси бор эди. Коши туташ каби кўриниса ҳам кўндалган ётган иккى қилинг орасини нафис бир кўйилиб кўтарилиш ажратиб турар эди. Бурни ҳеч бир мунаққидга беришмаслик мутаносиб, ҳар замон уялини табассумига ҳозир турган нафис иринларининг юқориги қисмидаги сезизлар сезизлар туклар кўкврган эди. Юзи чўзиқ ҳам эмас, ойкулача ҳам деб бўлмас; книшига кулиб қараганди қизил олма осталаридаги иккита замма равишлик шакл досил бўлар, гўё бизга чин ратко тулу очилаган ҳолатда кўриниар эди. Сочлари жуда қуюқ, саноқсиз кокиллари орқа-ўнгини тутиб ётар, қадди узувлини билан крискаликини ўртаси, дўндиқ бармоқларининг жимжиголигида хина гуллари; ҳар ҳолда бу қиз ёлгига Қўқондагина эмас, умуман Фарғонанинг кўйларга қўшилиб мақталатурғон гўзалларидан эди» (20–21-бетлар). Бу ерда портретга ёзуучи мунисабати ҳам, ўхшатишилар, солиширишлар орқали унинг ниҳоят реал эканини таъкидлаш ҳам бор. Езуучи Раъно кўринишидан олган таассусотини чизган дейни тўғри бўлса керак. Кумуш портрети ҳам «ҳаракатда» берилган эди. Раъновда эса ҳаракат кучайтган—Раъно ҳолатига қараб унинг кўринишида рўй берадиган ўзгаришилар доим ҳисобга олинади. Раъновнинг Кумушга ўхшаб ҳамма ҳолатларда чиройли экани тасвиirlанади. Ҳонга узатилишини эшитган Раъно ўзгариб қолади. «...иккни кўзи қип-қизарib, қовоқлари олудек кўпчиган, юзида ҳам зўриқиши аломати бор эди». «Шу дудама фалокат бир неча кун ичиди Раъно гулнин сўлиғи ёди, ҳатто жоду кўзлар ёш тўкишдан ҳам тўхтадилар» (194-бет).

Айвар ҳам Отабекка ўхшашиб келишган йигит: у шоиртабият бўлганилгитидан Отабекка нисбатан низоқроқ «кора чивик бекасидан ишак тўн кийтан мавзуз қад Айвар бириничи қарашдаёқ қўзга дўндиқ ва кўркам кўриниар эди. Қора сурмали қўзини» (28-бет) ёзуучи бир неча марта таъкидлайди. Айвар кўриниши ҳақида бир неча

марта турли муносабатлар билан галирилади, ёзувчи унинг маҳсус батағсил портретини яратмайди. Айварнинг хушмуомалалиги, ақли, одоби ҳақида у билан муюмалага киришган одамлар таассуроти орқали ўқупчи хабардор бўлиб туради. Айвар портретини озми-кўплиқ объектив баҳоловни ва «қўрувчи» сарой хонимларидан бирни Нозикдир. «Сурма қўйтгандек оху кўзин бор, қизил олмадек тараанг юзи бор, энди чиқиб келган кўк майса мўйлови, Розия хониминидан ҳам нағисроқ қадам қоши.. Устинга кийлан бекасам тўни ўзига шундай ярашганки, биз қизлар ихтиёrsна уига қарашдик» (124-бет). Эркак кишига бундай чиройли бўлни мухим фазилат бўлмаса ҳам саройда қўпол муюмалари хони хонодалар қўршивдан яшаган. Нозик учун Айварнинг жуда ҳам маъъкул тушиши—уидаги ҳайратомуз таассурот табиийдир. Айвар шоир табиатни, нозик дидди (хонини турли гуллар билан сезагани) йигит. Уидаги бу фазилатлар уни ҳаётдан узуб қўймайди, балки дониёнундаги ҳаёт гирдобина бўлишга, бошқаларга ҳамдара, ҳаммафас бўлишга уйдайди, бошқача қилиб айтганди, унинг муҳаббат тўла қалби инсонга яхшилик қилиш истаги билан яшайди. Айварнинг мана шу маънавий гўзалиги ташки портрети билан кўшилган ҳолда уни янада мукаммал қиласди. «Утган кунлар»да Абдулла Қодирий воқеаларга персонажни олиб киришин билди, биринчи навбатда, унинг портретини тасвирлар эди. Бу портретга қараб персонажнинг асан воқеаларида ўйнайдиган ролини белгитиш мумкин эди. Ёзувчи «Мехробдан чаёндан яхшиларни чиройли, разилларни хувук қилиб берниш ўйнидан бормайди. Энди яхшилар ичидаги хунуқлар, «ёмонлар» ичидан истараси иссиқлар ҳам кўрина бошлияди. Асарда Солик маҳдум образига анча катта ўрия ажратилган. Ёзувчи аввал Маҳдум ҳаётни, хулқ-атвори ва бошқа хислатлари—харакет чизиқлари билан ўқувчини обдан таништириб бўлгач, «Маҳдум бўйчан, ола гўшт, сийрак мўй, оған таньистаси иссиқ бир домла эди. Энди эзлинидан ошган, соч ва соқолида бирмунча оқлар кўринар эди. Киши билан сўзлашганда, айниқса бир нарсадан таажжуబланганда, сийрак ва лекин тўғри, бақувват ўсган соқолини тутамлаб ўнг кўзини бир оғоз қисиб қаарар» (17-бет) эди, деб тасвирлайди. Маҳдум асарда анча мурракаб шахс, унда «яхши» ва «ёмон» томонлар кўп. Шунинг учун бўлса керак, ёзувчи унга нисбатан «объектив»

бўлишга ҳаракат қиласди. Унинг истараси иссиқлигини тав олишга мажбур бўлади. Ёзувчи Нигорхоним портретини ҳам шундай йўл билан яратади. Азвалига Нигорхоним ҳаётни, Маҳдум билан турмуш курши тарихи билан таништиргач, «Нигор ойим қисқа бўйли, писта пўчоқ, тарғиб кўзли, зарча тавли; юзидаги онда-сонда чечак ўринлари бўлмаганда, хусидор бир хотин эди» (19-бет) дейди. Нигорхоним ҳам Офбот ойимга уҳшаб күрган образлардан. Абдулла Қодирий идеали бўлмиш бу аёллар ўз ақли, фаросати, вазмийлиги, майни табиати ва эралигра тўла итоати билан автор эътиборида бўлган. Ёзувчи буларнинг хуснларини батағсил тасвирлаб, таъкидлаб ўтирумайди. Лекин уларга бўлган хурматини асар руҳига сингдирб юборади. Ёзувчи ўз мағнатидан бошқани ўйламоючи, бу йўлда ҳар қандай разилликка тайёр кимсалар портретини яратар экан, улардан табиий камчиликлар ахтармайди (ҳар ҳолда одамлар онадан хунин тугилганига айбор эмаслар), ўзларидан «ўтган» камчиликларга ургу беради. Яъни ўз ихтиёrlари билан ўзларини турли оҳангга солган одамларга ўқувчи диққати тортилади. Масалан, пала-партиш оқват еб, беўхшон семирни кетган одамлар ҳам ёзувчи эътиборидан четда қолмайди. Лаганбардор, таъмагир Шаҳибек (Айварнинг хон саройига ишга олинишини эшишиб) Маҳдумларникига келди: «домининг орқасидан ҳарсиллаган, гурсиллаган, эзлик ёшлар чамали сенмиз бир киши кўринади. Кўк салласи манглайнинг усти билан ұралиб, ўсиқ қоши қовогига етган бу бекининг белидаги кумум камари, бениҳоят ўсиб тушган қорини юқорига кўтариб турни вазифасини адо қўйлар эди. Ортичка тақаллуғни Шаҳидбекнинг ўзи кўтарса ҳам, гўшти кўтарилемас эди» (30—31-бетлар). Фитначи, ўз мағнатидан ўйлида кишини ўлимга юборишга тайёр бўлган Айвар душманлари ҳам кўринишлари билан кишида жаллод, қонхўр одамлар таассуротини қолдирмайдилар. Лекин юзларидаги айрим деталлар, портрет чизиқлари узартга инесбатан кишила нафрат уйғотади. Маҳсилдининг ёш имоми ва хатиби Абдураҳмон: «Қора тўйни, ўттиз ёшлар чамасида рангиз ва ёшлигинга қарамасдан қуюқ соқолини баҳайбат ўтириб, бир бурдагина юзига от тўрва осган каби бир киши эди» (58-бет). Бечора Абдураҳмон ёшлигиндан озорланади ва салобатли кўриниш учун соқолини қўйиб юборади экан (ихтиёрий), бу унга хуси ба-

тишламайды. Езувчи ёмон күрган шахслар «күрниншига» объектив бўлишга ҳаракат қилас экан, шу ерининг ўзида характеристика берни орқали уларга нисбатан ўқувчида маълум муносабат тутдиди.

Катта тажриба ортирилгандан сўнг яратилган «Мехробдан чаён» романи Абдулла Қодирий ижодида реализмнинг чукурлаши бораётгандан даюлол беради. Бу асарда ёзувчининг аввалиги асарларига қараганда қаҳрамонларнинг ички дунёсига, мураккаб кенинналарига, фикр-хэлларга етакчи ўрни берганни сезилади. Анварлар ўз мажоралари, ташвишлари билан ҳаётта яқин тударилади. Сониал ҳаёт билан шахслар тақдирни ўртасидаги «муносабатлар» анча яқин, бир-бирини тақозо қиласи. Портретига, киши кўрниншига бўлган қаражамъямъилларни ўзларашган, улар катта психологик вазифа билан таъминланган.

Характер яратишнинг ёрдамчи воситалари бўлмиш портрет тасвирининг умум асар руҳи билан боғлиқлиги, уйда реалистик чизиқларнинг акс этишини бил Ойбекнинг «Кутлуғ қон» асаридаги ҳам кўрамиз. Ойбекнинг машҳур романини яратганда ўзбек адабиёти маълум изланни даврни босиб ўтган, прозада анча кўп салмоқли асарлар яратилган эди. Абдулла Қодирий, Айнин асарлари, Абдулла Қаҳҳорининг «Сароб» романни ва ҳикоялари ўқувчиларга ётиб борган эди. Бу асарлар атрофида галлар, мунозара ва дискуссиялар янги давр адабиётига бўлган талабларни бирмунча белгилаб берган эди. Бой тажрибага сунинган Ойбек бирнечи романни билан адабиётимизда янги бир саҳифа очди. Бу асари билан Ойбек социалистик реализм методини мукаммал залдлаганини намойиш қилиди, адабиётимизни янги ривожланини босқичига олиб чиқди.

Ойбек яқин ўтмишга мурожаат этди. Умуман, колониал даврни эмас, балки конкрет давр—революция арафаси, қарама-қаршиликлар ниҳоят авжига чиққан, ерли халқ ўртасида зулм, йўқизилника қарши кайфият кучайган — тамомон потинчлик даврни олади. Осоиншатлик бузилган — мулоҳим, кўйдек ююш халқининг мана-мана порталаим деб турган, омманинг революционлашасини ниҳоят тезлашган бир давр эди. Мана шундай тарихий бир даврда Ойбек қаҳрамонлари яшайдилар, курашадилар. Ойбек ўз қаҳрамонлари кўрниншига — портретига янги бир талаб билан ёндашади.

Ойбек қаҳрамонларида синий дифференциация (табақаланиш) портрет тасвирида ҳам акс этган. Пўлчи Отабек ва Анварларнинг ҳаммиллати. Лекин у ўз ҳасти, дунёкаши, савииси, яшаш шаронти ва ниҳоят кўриши билан бутунлай бошқа бир олам. Пўлчи ҳам чиройли, келинчилигидан ўйтади. Лекин «чирофилик» термини, нимагазидир Пўлчидан кўра, Отабек ва Анварга ёпишиади. Дарадқиқат, Пўлчи бошқа одам. Ойбек ўтмишга мурожаат этар экан, социал тузум тудиргаси, ноҳаҳлик, эксплуатациини кўрсатади, давр иллатларни А. Қодирий каби очиб ташлайди ве шу билан бирга, у ҳукм сурган тузум, тартибларга қарши бош кўтаргаси, уни ўзgartиртириш ўйларини қидирган ва топган курашувчи образини асар қаҳрамонини қилиб ташлайди. Агар Абдулла Қодирий қаҳрамонлари ўз даврининг илтор кишиси бўлиши билан бирга, ниҳоят пассии ва қўлидан бирор иш келмайдиган, давр камчилкларнинг фақат кузатувчиси, танқидчиси ва ниҳоят унинг курбони бўлиб кетган бўлса, Ойбек қаҳрамони ҳам давр курбони бўлди. Лекин унинг курашида, ўлимидаги оламча маъно бор, характер эътибори билан бутунлай бошқача, агар шундан дейши мумкин бўлса, бу табаррук ўзим бўлди. Пўлчи давр камчилгини сезибгини, билибгина қолмади, балки уни тузатишига, қўлидан келганича ўзгартиртишга ҳаракат қилиди. Бу билан бил А. Қодирий хизматларини камситмочи замасмиз, чунки Отабекларнинг ўлими ҳам давр айнома-сигача кўтарилиди. Феодализм даври иллатларини очиб ташлаб, ўқувчидаги ҳукм сурган мавжуд тартибга ва давр тудирганса феодал урфодатларига нисбатан газаб ўйгодади. Абдулла Қодирий ўтмиш феодализм системаси тудиргандаги ўтмиш иллатларини асоссан севги-муҳаббат, оиласий масалалар орқали кўрсатишга эътибор этди. Унинг диккатида асоссан хонлар, бойлар турди. Улар ичидан етишиб чиққан илтор кишилар иллатларни кўрдилар, уни таққид қилидилар, иорозилик билдирилдилар. Камбагал онладан чиққаб, ўз ақли, билими билан хон саройига хизматга кўтарилиган Анвар ҳам ҳақиқий озодлик ўйларни тушунишди ва тушунишдан узоқ бўлди. Шунинг натижасида феодализм системасининг умум таққидидан кўра, унинг айрим томончиларига, камчилкларига ургу берилди. «Отабек, Анвар ва бошқалар дунё ишига ва тарихга қаттиқ боғланганлар. Лекин улар ҳали тарихга сезиларли таъсир кўрсатувчи «қаҳрамон» эмаслар ва тарихий

дэврүүнэг энг демократик ҳаракатынинг фаол иштирох чи сифатыда гавдаланмайдылар»<sup>13</sup>.

Оtabеккес инсбатай Айвар (келиб чиқиши, яаша шаронтук туфайли) бу жиҳатдан бир оз «жонлироқ» бўлса ҳам, ҳали синий зиддиятлар мөҳиятин чукур, ҳар тарафлами тушумиди, уларни қайси йўл билан бартараф қилиши ўйлани билмади. Бу образлар орқали А. Қодирий улуғ иносон васфи ва унинг гўзал фазилатларини мадҳ этди, иносон шаъни ва иносоний принципларига зид келувчи иллатларни нафрлатди, тақдид остига одди.

Бу йўлда ёзувчига оиласви масалани, севги-муҳаббат масаласини биринчидан плаңга ўтказиш маъқул тушди. А. Қодирий эътиборида асосан оиласви масала туриб, қолган ҳамма кўтарилиган масала шунинг атрофига тортилди. Норозилинг илғор, адолатли, иносифли хон бўлиш талабидан нарига ўтмайди. Бу ҳам ўз даври учун тарих тараққийётининг даражаси учун мальтум прогрессив характер касб этиди. Лекин Ойбек «Кутлагу қон» романидаги кўтарилиган масалалари, гоявий эстетик проблемалари билан адабиётда янги саҳифа очди. Унинг иносонга бўлган иносони уни яратувчилик, курашувчилик қобилиятига бўлган ишончидадир. Езувчи иносонни улуг ишларга, тақдирини ўзи ҳал қилишга қодир деб қарайди. Бошқача қилиб айтганда, Ойбекнинг одамга инсбатан тутган позицияси унинг тарихига ролини юксак баҳолаш билан боғлиқларди. Ойбек қаҳрамонлари энди бундай яаша мумкин эмаслигини биладилар ва турмушни ўзгартиш йўлларига ақлларни ҳам етади. Ойбек қаҳрамонлари ҳаётининг айрим томонларини тузатиш талабини кўймайдилар, балки бутун тузумни, ҳукм сургаган системани ўзгартиш керак экавлигини тушуниб етдилар. Асардаги «Иўлчи образи мальтум социал шарт-шаронтигинин маҳсулотигина эмас, балки ўзи ҳам уларни ўзгартишга таъсири кўрсатади»<sup>14</sup>.

Агар Отабек «...актив яратувчи эмас, балки пассив кузатувчи, воқеалар оқимига ўзининг кириб қолганини ўзи сезмай қоладиган киши»<sup>15</sup> лардан бўлса, Иўлчи ун-

<sup>13</sup> X. Екубов, Типик шаронт за типик характер, «Шарқ юлдуз», журнали, 1969, № 2, 218-бет.

<sup>14</sup> X. Екубов, Типик шаронт за типик характер, «Шарқ юлдуз», 1969, № 2, 219-бет.

<sup>15</sup> М. К. Шиконов, Абдулла Қодирийнинг тасвирилаш санъати, Ташкент, «Фан» нашриёти, 1966, 66-бет.

дай эмас. Иўлчи ҳаёти, тақдиди билан ҳалқа, тарихга қаттиқ боғланган. У атрофда бўлаётган воқеаларни кузатувчисигина эмас, иштироқчилик ҳамадир. Унинг энг катта галабаси зиддиятларини синий эканини тушумни ва бу тарихий воқеаларга аралашишдир. Бу хусусиятлар эса ўз ўринда бадний-тасвирий воситаларни таилашга, уларга юқланадиган вазифаларни белгилашга таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Қаҳрамонлар портретига бўлган муносабатида ҳам шундай. Бу айниқса ёзувчинининг салбий персонажларга бўлган муносабатида яъқол кўринади. Агар Отабеккинг душманлари бўлмиш Ҳомидлардан одам қўркса, уларниң ташки қиёфасидан, гап-сўзидан мана-мана деб бутун борлиги, ифлос қалби кўринниб турса, Иўлчи душманлари ундан эмас. Кўриннишдан улар «стүрги» одамлардан ажралмайдилар, уларни кўрганиларда кўркув ҳиссси пайдо бўлмайди ҳам. Чунки улар Иўлчининг шахсий душманни бўлиб қолмасдан, Иўлчилар душман—синий душманлар. Улар душманларининг мөҳияни чукурлашиб кетади. Шунинг натижасида асадардаги салбий персонажлар ҳам ўзларининг кўринишларининг «объектив» баҳосини оладилар. Мирзакаримбояй, Ҳаким ва Салимбойваччалар, Танты ва Фазлидинлар портретларида улар харакатларининг мальтум белгиларни намоёни бўлиб туради. Иўлчи бириччи марта Салимбойваччани кўради: «Бу йигит рангпар, қисиқ қўзли, қуюқ пайваста қошли, пешонаси торроқ йигит эди. Эши йигирма бешдан ошмаган бўлса ҳам, қаримсик кўринар эди. Унинг бошида яп-янги тагдўзи дўлти, устида чўчталакли копқозли, қайтарма ёқали узун оқ жужужун камзул, сёклидари ихчам янги этик»<sup>16</sup> (20-бет). Рангпарлиги, ёшига тўғри келмаган ажиллари доимий ичкилик, бузуклик натижасида эмасмика? У оқ жужужун камзул устидан бекасам тўн кийган, ўрта бўйли, калладор, қора бурама мўйловли, думогдор, қарадашлари ўтири ва тез, ёши қирққа якин бир одам эди: «бу Мирзакаримбояйнинг катта ўған — Ҳакимбойвачча» (16-бет). Гурур, камбағалии менсиимаслик, Ҳакимбойваччанинг ташки қиёфасидан билиниб туради.

<sup>16</sup> Ойбек, Кутлагу қон, Тошкент, Уздавнашар, 1954. Бундай кишиларни мисоллар ҳам шу нашрдан олинган.

Уни қўллашдан күзатилған мақсадлар ҳам түрличадир.  
Бу ғұзувчининг үзінгә хос стили, демак, пейзаж тасвирига  
юқланған вазифалари билан боғланады. Уннің асарда  
бажарыдан вазифалары ҳам хильма-хильдир, лекин улар-  
нинг ҳаммасы асар ғояси билан, ғұзувчи айтмоқчи бўлған  
ғикрлар билан, эстетик мақсадлар билан узийи боғлан-  
ғандыр. Пейзаж қаҳрамонлар ҳаракатларига шароит  
яратыш, пайти белгилаш, муайян шароитдаги қолаттанин,  
кайфиттін таъқидлаш, воқеалар ривожига таъсир этиш  
каби хусусиятлари билан асарнинг гоявий йўналишида  
жуда мұхим үрин тутади.

Асарларда пейзажин қўллаш, воқеаларни ташқи  
мұхит билан боғлаш ҳамма ғұзувчиларда бир хил бўлмас-  
лиги аниқ. Пейзаж бўлған мұносабат ғұзувчиларда түр-  
лича бўлиб қолмасдан, балки асарларнан қарастырыла-  
рға кираб пейзаж үз ғұзувчининг үзінгә хос томонлариниң ҳам-  
ма асарлары учун қандайдир умумий бўлған томонларниң күрши мумкин. Ойбек ижо-  
дидин пейзажис, табиат манзаралариниң асар воқеалары-  
да, қаҳрамонлар ҳастида үйнаган ролисиз тасаввур қи-  
ниш қийин. Уннің қаҳрамонлари табиат билан доим  
юзма-юз келдилар.

Абдулла Қодирий асарларыда пейзаж қўп үрин ол-  
майды. Лекин үкүвчи дөмә воқеаларнинг содир бўлаёт-  
ған вақттін, қаҳрамонлар ҳаракат қилаётгандай мұхит та-  
биат манзаралары, пайт билан болғын эканлығыни ҳис-  
килиб туради. Масалан, үкүвчи Отабеккинг Марғилонга  
бориши ва ошик бўлған фаслинин яхши билади. Езувчи  
бунга кундалик ҳастида деталлар, шу фасл туфайли рўй  
берадиган «майдада-чўйдалар» орқали зришади. Бекдан

безовталаңган Ҳасанали кечаси унинг меҳмонхонасидан хабар олади. «Тун аёс, изгирىк ел түрт тарафга югуриб жон ачтмоқчи бўлар эди. Ҳасанали ярим яланоч ҳолда жунжайб дарича остида, изгирىк қучогига ўтиради. У еган сонуғига илтифот этмас, вужудини изғиринқа тошишиб, фикрини хужра ичига ўборган эди» (21-бет). Езувчи Отабекнинг Марғилонга келган пайтдаги ҳавони шундай тасвиirlайди ва бундан сўнг эса доим бошқа деталлар билан эслатиб туради. Ҳасанали Бек ошиқлигидан хабар томилиб, химилгини биллиб Кутидорнига созчиликка боради, шунда Кутидор танчага олов солади. Тўй кунинг келганди Отабек ва Кумуш кийимлари (умуман, Абдулла Қодирий севимли қаҳрамонларини яхши, ранг-баранг кийинтиради, зиримасдан батафсил ранги, туси, бичимигача кузатиб боради) воқеа содир бўлаётган пайтни шарҳлашга ёрдам беради.

Абдулла Қодирий қаҳрамонларининг руҳий ҳолатларини уларни ўраб турган манзаралар тасвири орқали ифодалашга эришади. Отабекнинг Тошкентда уйланишини бўйинга кўйдилар. У «розоник» олганни Марғилонга боради. Баҳор. Табиат уйонган, йўллар чиройли. Лекин унинг юрагига ѡч нарса сизмайди. Эркин, ҳар қандай дикки-нафаслик, қонда-тартиб ва мажбуриятлардан озод бўлган кушларга Отабекнинг даваси келади. Отабекнинг фикрлари дам бевосита, дам табиатга кўчирилиб баён қилинади. Езувчи шу йўл билан қаҳрамонларининг долатини табиат ёрдамида тасвиirlайди. Отабек қайтотаски томонидан кувилади. Отабекнинг умрида бинаничи марта шундай хўрланиши эди. У нима деб уйланиши, нима қилишини билмайди. Боши оғиб хаёлот билан Уста Уйига келиб қолади. У билан танишади. «Уй этаси қозон ёнига кетгач, у ҳам ўриндан туриб ҳовлинига тушади. Айвонинг нарги ёни билан шарқка қараб кириладиган бир йўлдан орқали бир боқчагами, майдонгами чиқилишини биллиб шу ёққа юрди ва кичикроқ бир мевазорга чиқди. Кечанинг қоронгилиги устига меваларининг қуюқ япроқлари қўшилишиб, бу майдон айнина Отабекнинг ҳозирги қўнгилига яқинлашиб келар эди. Унинг қўнгига меваси бу куниги қора воқеа билан қандай ўралиб, йўқолиб кетган бўлса, бундаги дарахтлар ҳам ўз меваларини кечга ранги билан бўяб, яшия япроқлари или кўмгаг эдилар, яъни бундан ўстган дарахт қандай мева берадилар — ажратиш қийин

эди. У шу қоронгузор билан қўшилишиб кетгандек ва қоронгуликнинг қучогига кира боргандек мевазорнинг ижарисига юра борди. Ниҳоят бутоқлари бағрига солиниб тушган бир дарахтнинг остига ўтирида ва бу ўтиришда узоқ фурсат қотиб қолгандек ҳаракатсиз эди» (184-бет). Езувчи тасвиirlаган ҳовли кўрининшини Отабекка, унинг кечинчаларига мослигидан ташқари, бу ҳовли Отабек ҳаётida аянчагина роль ўйнайди, бу довлига езувчи кейинчалик янга Отабекни келтиради ва мана шу кўримсиз ҳовлида Ҳомидларнинг Кумушни олиб қочиш режалари ҳақидаги фитналарига дуч келади.

Езувчи бирор табиат манзарасига, ҳолати таснирига мурожаат этар экан, бу қаҳрамоннинг муайян ҳолати, қарапшларига мос бўлиб қолмай, балки келажак қайfiятларини ҳам белгилайди. Кумушни Отабекдан ажратдилар. Лекин унинг ҳасратининг, азобларини чеки йўқ. Уларни ифодалашга тил ожис. «Куз кунларининг оёғи ва қиши кунларининг боши эди. Дарахтлардаги сарик барглар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг қишини сарик кийинини кийганди эди. Тўрт томонининг ўралганилиги соясида япроқларини тўкилишдан сақлаб қолган бу гидос ёғочларни ҳам букун тунги қора совуқда чидомлай елниг озигина ҳаракати билан-да, бағрларини ширт-ширт узуб ташламоқда эдилар. Ҳаво очиқ бўлиб, қуёш тузуккина кўтарилига, аммо унинг ҳам бу кун унча таъсири йўқ. Бу кунги қора совуқ қуёш кучинида кестаги эди.

Ўрта эзиканди Кумушшиби кўринди. Бурунги тўлалиги кетиб, озғинланган ва лекин бу озғинлик унинг хуснига камчилик бермай, билъякс юқорилатган» (204-205-бетлар). Бу ердаги табиат тасвири севимли кишишиндан айрилган, кўксын армон билан тўла Кумуш ҳолатига мос. Кумуш кўргулиги бу билан чекланмайди. Уни ўзи кўрмаган, севмаган одамга узатмоқчи ҳам бўладилар. Бу эса бусис ҳам зазилган Кумушга ортиқча эди. Кумушнинг унаштирилиши хабарини Отабек тасодифан эшитиб қолади. Бу хабарнинг унга кўрсатсан таъсирини езувчи очиқдан-очиқ шундай дейди: «Унинг бу кунги ҳолига қараш юракларини ёрганидек, тасвирига ҳам қадам кучи оқизидир...» (215-бет). Шундан сўнг езувчи «Хўжа Мазъоз» мозорининг тундаги тасвирига ўтади, даҳшат, кучли шамол—хуласли, табиат нола билан кўтарилигандек. Шундан сўнг эса Отабекнинг шу мозор масҷидини тунаганини билдиради. Шундай нозик психолог езувчи Абдулла Ко-

дирий ҳам ўз қаҳрамонларининг кайфиятларини тасвирилашга, таҳлил қилингага бальзан ожиз эканлигини таъкидлаб, қаҳрамон кайфиятини табиат тасвири орқали билдиримоқчи бўлади. Бу ерда Отабек табиат билан алоқага киришимади — қабристонинг хунуклигини сезмайди. Чунки унинг қалбидаги кечинималар бундан кучли. Ёзувчи эса севимли қаҳрамонини аягандек ўзининг ожизлигини бўйнига олиб, унинг яраларини янгилагиси келмайди.

Табиат манзаралари фақат асар қаҳрамонлари кайфиятига мос тасвиридан иборат бўлган пассив ҳодиса эмас, балки у қаҳрамонларда маънум кайфийт ҳам яратади. Отабек душманларини тутагиб Тошкентга қайтач, яхши умидлар билан яшайди. Кумушини келади деб кутади. «Бу кун күёш очиқ ҳавода кезинчи унун жим-жим товланиб, ер юзига кулиб қаради. Иккни кундан бери қўёш бетини қоплади, турла ерларга жон суви сепини ила чарчаган баҳор будутлари бурчак-бурчакка тарқалиб бораар эдилар» (279-бет). Кушлар ҳам баҳорни табриклиб вижирлаб қолишибди, подалар далага чиқди. «Баҳорнинг бу кунги сеҳрли куни Отабекни ҳам қитиқлади» (280-бет). У ҳам ҳимизхўрликка бораади. Дала тасвирига ёзувчи бор маҳоратини ишлатади ва бундан Отабекни таъсирилатади. «Отабек табиатининг шу кўркам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб бироз ётгаандан кейин, «у ҳам бўлса эди», деб ўйлади ва узоқ тин олиб қўйди» (281-бет). Даҳрақиқат, Отабек энг яхши нарсаларни Кумушга раво кўради. Отабек шундай дилушиликка муяссар бўлар экан, буни Кумуш билан бирга баҳам кўргуси келади, унга буни то ақалмагандан ўқинади, «у ҳам бўлса эди» дегага эзгу ниҳия табиатга, баҳор тасвирига янги бир мазмун бағишлагандек бўлади. Мана шу табиат Отабек муҳаббати поклонигини чексиз, чегарасиз эканини таъкидлашга имкон беради.

«Мехробдан чәненда ҳам Абдула Қодирӣ кенг пейзаж, манзара тасвирига катта эҳтиёж сезмайди. Лекин айрим ўрниларда Анвар табиатига хос томонларини кўрсатишда пейзаж тасвирини кўллайди. Анвар ўз юрагини Ратыога очмоқчи ва унинг фикрини билмоқчи. Ёзувчи дарров бу учрашувга шаронт яратади, ўқувчини ҳам лирик ҳолатга тайёрлади. Бу ерда севишганларининг доимий ҳамроҳи ой ҳам қатнашади, дам майин, дам тўполон билан шамол ҳам қатнашади. «Мехробдан

чәненда «Утган кунларга нисбатан пейзаж кўпроқ, гояний вазифа билан таъминланган. Юқорида келтириаган мисоллардан айни чорда шунун ҳам кузатиш мумкини, бой табиат манзаралари билан персонажлар ўртасидаги контакт жуда ҳам «яқин эмас». Ёзувчи пайт, вақт, муайян шаронтдаги табиат ҳолатини, асосан ўзи чизади. У севимли қаҳрамонларининг қаравши, ҳис қилиши, таъсиравини орқали манзаралар яратмайди. Айниҳса бу жиҳатдан юқорида келтирилган иккى мисол характерли. Отабекнинг оғир кечинималар билан қабристонда тунаши, Кумушининг Отабекдан ажратилиб янги кўёвга узатилиши воқеалари фонидаги табиат тасвири қаҳрамонлар ҳолатига мос равишда чизилади. Лекин қаҳрамонлар эса бу табиат манзарасини ҳис қилимайдилар, узларининг муносабатларини ҳеч қандай қилиб билдиримайдилар. Ёзувчи параллель тасвири ўйланин тутади. Бу эса ёзувчининг ўзига хос стили, табиат тасвирига бўлган муносабат билан ҳам белгиланади.

Ойбек эса ўз асарларидаги табиат тасвиридан кўп фойдаланиши, бу соҳада ўзича услугуга эталиги билан бошқа ўзбек ёзувчиларидан ажратилб туради.

Ойбек қаҳрамонлари табиат билан кўпроқ мулоқатда бўлади. Уларнинг турни-турмушлари, яшав шаронтлари — ҳаммаси борлиқ билав, ўраб турган табиат, муҳит билан боғлиқ. У табиат тасвирини алоҳида алоҳида лирик чекинишларда тасвириш ёки уни воқеаларнинг характеристерли ерларига қистириб ўтиши ўйлайдар бормайди. Ойбек тасвиридаги пейзажни воқеалардан алоҳида узиб олиб бўлмайди, чунки узар бутун асар руҳига, қон-қонига сингиб, гояси билан чамбарчас боғланни кетсан. Ойбек манзараларига лирик сокинлик, вазмийлик хосదир. Унинг асарларига табиатининг ўйнаган роли ниҳоятда хилмашил ва бойдир. Буларнинг ҳаммаси бир масалага — автор гояларини лирик тарзда ифодалашга, ўқувчига эстетик завқ бағишлашга қаратилилади. Бутун воқеалар давомида ўқувчи дам ғамғин, дам мунгли, ҳасратли, дам юракларга қандайдир завқ, шодлини берувчи манзараларни, борлиқни кузатиш бораади. Бу ажойиб манзараси воқеалар аҳамиятини, қаҳрамонлар саргузаштими тўла тасаввур қилиш қийин. Бу табиат тасвирилари қаҳрамонларининг ҳаётга, табиатга яқиниги ва реалигигина акс этиришга қаратилгандир. Ойбек пейзажлари социал мазмун билан таъминланганни билан ҳам характерлди. Табиат фаслла-

ри кўрининиши, иижиқлеклари ҳаммага ҳам бир хил таъсир этмайди. Агар қаҳратон қиши камбагал сирини очиб юборса, кун кўрининиши қийинлатса, бойларга бойиш йўлни кўпайтиради.

Табиат манзараси, борлик Ойбек қаҳрамонларига турлича таъсир қиласди, улар кайфиятини, ҳолатини белгилайди. Ойбек пейзаждан кўпроқ қаҳрамон кайфиятини белгилаш мақсадидо фойдаланади. Табиат ва инсон доим бирга яшади ва бир-бирларига таъсир кўрсатадилар. Дам инсон кайфияти табиатни «белгилас», дам табиат инсон кайфиятини белгилайди. Йўлчи Мирзакаримбоянинг ўйда қоллади. Ўйдан, онласдан узоқда, янги шаронтида, янги танишган узоқ қаридодининида, ҳали у њеч кимни билмайди, танимайди. «Қуёш яширинганд бўлса ҳам, кундузнинг ёргулиги ҳам тамом сўнмаган эди. Аллақаңдай майин, мулоим жимжитликин атрофда сигир, бузоқларининг матраши, дараҳтлар орасидан кушларининг ора-сира янграб, яна бир зумда тинган сайраши сесккантариради. Ҳамма нарса ҳорғин, мудрагша бошлиған каби... Аллақаңдай поёнсиз гарби оқшом» (16-бет). Бу оқшом ҳақиқатан шундаймикан ёки «...супа лабида бошини қуян солиб, камбагал, қишлоқдаги чордевор ўйини, меҳрибон онасини, севикин укаларини кўз олдига келтириб, ўлларга чўмған Йўлчига шундай таъсир қилдимикан?» (16-бет). Езувчи бир воқеа давомида қаҳрамон кайфияти ва воқеа характеристикнинг ўзгаришни билан табиат тасвирини ҳам ўзгарттириб боради. Йўлчи ойнисиз, қорону, зах, илгари бедонаха бўлған ҳужрардан—хизматкорхонадан чиқиб ўзини енгил ҳис қиласди. «Осимон тиник, қалин қор билан қопланган далалар устида юлдузларнинг олти гўзалларни ёрқин чақиайди. Ҳар вақтдагидан кўркемарок, тиникроқ кўрининг тўлин ой самонинг бир нуқтасида ютган каби... Унинг нурларида қишининг поёнсиз оқ кўрпаси майда олтин укукузатиб, ҳамма ёки чукур жимжитлик билан ўраб ётарди. Яланоч дарахтлар майда юлдузлар билан ёнган қора, ажиб, чиройли кўлкалар ташлайди. Ойдинли қиши кечаси шундай гўзал, шундай улуғворки, ётто хизматкорларнинг ҳароб кулбаси ҳам, деворларига кимнингдир томонидан ёнилиб, йигиштирилмай қолған таппилар ҳам, аллақаңдай бежирим манзара ясайди» (101—102-бетлар). Езувчи бу ажойиб манзарани бериш орқали бой хизматкорларининг яшаш шароитини

шада таъкидласса, ночорлигини билдиrsa, иккичидан, бу манзара Йўлчи хаёлларига шаронт яратади, унга умид баҳш этади. Биз Йўлчини Гулнор билан танишгандикан, унинг кимлигини билиншини ўзи ҳам Йўлчига катта баҳт. «Хозир унинг кўксес гоҳ оғритувчи, гоҳ юнтаривчи кечинималар билан, бутун руҳига сингган totли ҳасрат билан тўла эди» (102-бет).

Ойбек табиатни бутун раиглари билан ҳис қилган катта рассом санъаткориди. У сўз кучи билан табиатнинг қайтирилмас манзарасини яратади. Езувчи табиатнинг қаҳрамонлар кайфиятига мос ё унга зид тасвирини берар экан, бунда ўзининг севган фасли манзараларидан фойдаланади. Ойбек ижодида «...ўзига хос ва севимли образлар системаси яратилди. Бу поэтик образлар сиситемаси ичида «қуёш» ва «баҳор» картинлари шонир кечинималарини ак эттиришга, айниқса мувофиқ бўлбіл тушади... Ойбекнинг шеръларида қўёш ва баҳор образлари лирик қаҳрамонга ҳамиша ҳамроҳ. Шонир қўёш ва баҳор нурларини қалбда сақлади... Қуёш ва баҳор худди лирик қаҳрамон сиварни кишилики, меҳнатка ҳалиқа ёргулик, шодлик ва баҳт яратиб беринада қатнашади... Қуёш ва кўклам образлариди, уларнинг ҳаракатлариди, такомилда, гўзаллти ва ички мазмунининг очила боришида шонир юрагига яқин ва қадрдан гоҳ гавдаланади»<sup>18</sup>. Бу фикр Ҳомил Екубов томонидан Ойбек поэзияси устида олиб борилган кузатишлар натижасида майдонга келтизи. Ойбекнинг шонирона қалби, табиатни катта санъаткор рассом сифатида ҳис қилиши унинг прозасидаги ҳам намоён бўлган. Айниқса, унинг севган образларни—табиат бўйеклари «Кутлуг қон»да кенг планда иштаганган, мукаммаллашган. Езувчи Йўлчи ва Гулнорга олам-олам қўёш ато этади.

Ойбек Йўлчини хуш кўради. Ойбек табиатни саҳий ижодкор. Унинг саҳиблиги биринчи навбатда ўз қаҳрамонларига бўлған муносабатида намоён бўлади. Ойбек ўз қаҳрамонига «қўлидан келтаги ҳамма яхшиликларни обиди. Кисқа умр кўрган, ҳастнинг аччиқ-чучугуни обидан тотиган Йўлчига ажойиб дамлар тақдим этади, ша-

<sup>18</sup> Узбек совет адабёти тарихи очерклари. II том, 1962, 276—279-бетлар.

роит күтрганича, уни ҳаётдан завқлантиради. Йұлчи шундай бір давда яшайды, унинг меңнатдан бошқа нараса ҳақы ҳам ійік. Үндән талағ қылнадиган нараса сұзсыз итоат, тұла тобелик на тинимсиз меңнат. Езувчи Йұлчи меңнатини улуғлады. Уни меңнатдан завқлантиради.

Умуман, Ойбек ижоби қархамонлар образини яраттанды үларга табият бағшы этгандар барча фазилатларни, гұзалларни ҳис эттиради, үларни эстетик завқлантиради. Нисон билан табият үртасидаги табий ғоғылжының өзүнін ижоби қархамонлар орқали реаллаштыради. Мәннат кишисининг маънавий бой, завқли, таъсирчан, гұзалларни чукур ҳис этувче қылаб күрсатып униң табиятта қиынлитети күрсатып орқали амалға ошириледи. Йұлчи Мирзакаримбой өзингиң иелгап күндан бошлаб ишга тушиб кетади. «Йұлчи ўроқ-қа диктат билан тикилип қарады» ва өзіндей үра бошлады.. Беда орасы жуда иссан, гёй қүешінинг бутун олови беда ичига яшириңгандай; қызғын бүгүнвичи ҳаво үзуга уради. Йұлчи мұл-мұл тер құйып, деч қаққа қарамай ишлай берди. Үроқ үткір эди. Ұралыб-чалашып үсіган қалын майсаны «шар-шар» ыңқыборар экан, үзи ҳам завқланады» (15-бет). Мәннат қандай оғир бұлмасын, күчли Йұлчига бұйсынады. Йұлчининг бу меңнатын тақдирлагандай бўлиб, өзүнчи шу күни биринчи марта унга Гулорина кўрсатади.

Езувчи Йұлчи күн билан яхши, чиройлы нарасаларни кўради, тасвирилайды. Мирзакаримбой қўйлайды ҳамма нараса келади, қўли ҳар нарасага етади. Үй-жой, кийим-бош, маништ жойнда. Мирзакаримбойга тегишли, унини бўлган нарасаларни Йұлчи күн билан, унинг қараши, тушуниши билан тасвирилайды. Йұлчи нисон яраттан ҳамма яхши нарасаларни қадрлайды, тушунади. Бойлар ҳамма нарасага эга, лекин улар учун завқланыш бегона. Бойларнинг фикри пул билан, давлат билан байд, улар табият, нисон яраттан гўзалларни ҳис қылнадан узоқ. Езувчининг бу нияти асарнинг қою-қонига сингидирик юбогрилган.

Йұлчи эса дидди, таъсирчан. Йұлчи Мирзакаримбой үйдә қолади. Тонг отиши билан үрнидан туради. «Ҳаво салқин, тоза. Үнда-мунда күшлар сайранади. Йұлчи үрнидан турды, ариқда յоз-құлни ювіб, ташқари сақнида бироз кезді. Мәхмонлар шийпонда шоҳи, атлас,

адрас кўрпаларда, бошларини оппоқ ва юмшоқ ёстиқларга қўйиб ұхлайдылар; баъзини пишиллайды, яна бирори хириллайды, кими секингигина бурни билан ҳуштак чалади. Баъзилари хуррак торгади. Улар бир-бирлари билан ұчакишкандай хурракни даража-бадаража оширишига тиришиади: бирисинники авжга минганды, иккисинчи бошлайды.

Майин тонг шабадаси ранг-бараг гулларни секин тебратиб, атларини ҳар єкда севади. Йұлчи бу гузал гулзордан узоқлашусы келмаса ҳам, лекин хурракни өзитмаслик учун, бу ердан кетади» (17-бет). Бу ажойиб тоғдан Йұлчи баҳраманд бўлади, бошқалар—бог эталари гафлат үйнисда ульвор тинчликни, сокнилини үзларнинг ёқимсиз хурраклари билан бузадилар. Мана Мирзакаримбойнинг боги, «Йұлчининг кўзига «жаннатдай» катта бол манзараси очилади, томоша қилил, кекса тоганини орқасидан юра беради. Орасидан Кўқонарава бемалол юрайдиган кенг, узун ишкомлар иккى танобдан мұлроқ ерин иштол этган. Кўмук ток барғлари эрталабки қүёшда жилваланади. Богнинг тўрт томонини ўрган баланди, янги пахса девор бўйлаб шафотилар үсади. Кўпларига тиғровичлар кўйилган бўлса, меванинг кўплигига шоҳлари синиб, ерга тегиб ётади. Богнинг кўйисида катта олмазор.. Йұлчига шунис қизиқ туюлдини бу ерда қай томондан қараманд, ҳамма дараҳтлар бир чизиқ устида текис сағ тортиб туради, дараҳтлар үртасидаги масофа ҳам баробар. Дараҳтлар пакана, меваси мұл ва йирик. Лекин ҳозир деярли ҳаммаси кўм-кўк. Бундан ташқари, bogning турли жойларидан ҳар хил меваси дараҳтлар— нок, ўрик, беҳи, жийди.. ва ҳожаzo аичагина» (19—20-бетлар). Езувчи бирор ерда бойларнинг, давлат сұраб турғанларнинг кўнғилларига чукурроқ назар ташламайды. Уларни табият билан учраشتариб, баҳраманд қылмайди. Зотан, уларнинг җиаш шаронитлари, фикрлаш донорлари бунга йўл қўймайди. Уларнинг ҳам «роҳзатланыш», ҳаёт завқинин сурини «майдон» бор. Бирн пул тўплашдан, бир гавашт гашт ишишдан, бири бузуқилик ҳалишдан лаззатланади. Езувчи уларнинг эстетик завқ оладиган манбаларини чегаралаб пулга, давлатта болгайди, маънавий қишиш қылаб кўрсатади.

Фазлиддинлардан бир бечора одам қарз бўлиб қолади. Тўлашга пулни йўқ. Қарзидан қутулиш учун уларга ягона күн кечириш манбаси бўлган боргини ўтказ-

моңчи бүләди. Езувчи бу ажойиб бөгни эринимасдан таєсвирлайды. «Богда саккыз узум ишком, ҳаммасининг поялари яхши ишланган, пушталари чопылган. Салимбайбовачча иккى ишкомга кириб бошдан-оёк күрнән чиқди. Узуми ток баридан ҳам мүл. Фазлидинн эса, барча ишкомларни алғанин неча хил узум борлигини ҳам билүп чиқди. Кейин, жұхор, сабзи, шіең экілгап қысмаларга қаради.. Денор бүйләп ҳар хил мевали даражаттар: шафтоли, олма, нок, олуча, жиңілдә. Бу бояда, Салимбайбоваччага олттын ут түп, Фазлидинн қисобича, етмиш түп мевали даражат бор эди. Богнинг саҳнини Салим уч ярим таноб, Фазлидинн уч таноб мүлжаллады. Салимбайбовачча секингина шиварлады: «Үн танобга арзиды. Ҳамма нарасын таіләр. Ошни пишириб, қошиғинни солиб құйнуди этаси, ичаверасиз, Фазлидин» (288-бет).

Езувчи Иўлчига ҳаммага ҳам мүяссер бүләвермайдын катта түйгүни — муҳаббатини ато этади. Иўлчидаги бу түйгү унинг қалыбидеги оликаюн обозағаттаринин янада ёрқынроқ наимоныш эттиради. Унинг характеристикалық олижаноблик, яхшилик имконияттарининг ишқонсыз экзалигини күрсатади. Уни севги маънаватынан яна гүзарлоқ қыллады, унга аллақандай сұз билал ифодалаш күнин бүлгән қәтебаха рух, илиқ түйгү ато этади. Иўлчигүнгің қўйған қиз Гулнор ҳар жиҳатдан ҳам унга тең: улар ҳам социал, ҳам ёши, ақли жиҳатдан бир-бирларига муносиб. Иккакаларининг ўз тақдирларини бир-бирига боғлашларды учун ташки жиҳатдан бирор монийлик қыладиган нараса кўринмайди.

Лекин шунгы қарамасдан, улар йўлларига шундай түсніклар қўйлади, натижада уларнинг сенгиларни фожиалар тутгайди. Мана шу бир-бирига тенг ви мос ёшлар севгисининг фожиаси ўша давр, ўша тузум фожиасига, айномасига алланди. Бу иккى ёш ҳар жиҳатдан ўзига тенг бўлмаган одамга (фараз қиласылар, Иўлчи Нурига, Гулнор Ҳакимбайбоваччага) кўпшил бериб, «одобсизлик» қылганда, бошқа гап эди! Уларнинг тентлиги, бир-бирига муносиблигини фожианы яна ҳам чукурлаштириб юборади.

Иўлчи шағири Гулнор биринчи марта саратонда кўришади, унтутилмас висек дамлары эса уларга баҳорда, ёзда насиб бўлади. «Қиз Иўлчини чуқур севар, унинг бўлиз исмими эшитиш билан юраги тўлқинланар эди.

Бу муҳаббат қизининг кўнглигига ёз чоғи, Иўлчи қишлоқдан келган куиларида ёқ саратон қўёши билан бирга кирган эди (137-бет). Иўлчи шағири Гулнор бир-бирларига бўлган муҳаббатини гўзл бахор куиларни изҳор қиладилар. Улар шундай жамиятда яшайдиларки, оддий иннятларини ҳам рўбга чиқариш мумкин бўлмайди. Лекин саҳий ғузувни улардан ҳеч нарсанн аямайди. Езувчи бойларга раво кўргаган бахти, унтутилмас дақиқаларни ўз қаҳрамонларига беради. Бу бахт таънат нашидаси эди. Иўлчи билан Гулнорнинг бир-бирларига муҳаббат изҳор қилишлари — юракларни очишларига тайёрланган шароитни кўрайлик. Баҳорда Гулнорлар далага кўчишишоқда. Аравада Гулнор, онаси ва Иўлчи. Пойнисиз дала, ажойиб манзара. Иўлчи аравада севгилисини далага залтар экан, йўл бўйи уларни табризлагандек баҳор ўз кучи, қудратини, илтифотини наимоныш қилиб боради. Ҳалқ ғарзаидлари бўлган бу иккиси ёш бекиёс кенгилклар қўйнида, табнат ҳамма нарасани яшашга, ишлашга, келажакка даъват эттан бир кунда бахтили бўладилар. Ариқ бўйида айтилган қисқа, лекин бир-бирларига баҳт ато этувчи оддий сўзларда, қарашибларда олам-олам қувонч бор. Улар баҳтидан табнат ҳам, бутун борақ ҳам хурсандек. шодлангандек бўлади.

Иўлчи кетмон баҳона қилиб Гулнорни кўргани, учрашгани келтандаги пайт-чи? Езувчи улар ҳаётидага юз берган унтутилмас онларни доим янада безагиси, янада нурун қилигиси келади. «Бог гўзал. Үнда қўёш ва енгил шамоллининг, гуллар ва майсаларнинг күвинон ўйини кун бўйи давом этади. Богнинг ҳар бурчагида ўзга бир латтоғат: ариқларда сув кумушланади, майсалардан уқа туттани ҳовуз сув билан эмас, нур билан тўлған каби жимир-жимир мавжланади. Бир ёқда мевали даражатлар — туаш ҳаво гулзори ясади. Богнинг кўйи томонида бир чизиқда саф тортган баланд адд тераклар... Улар ҳар вақт майин титрайди. Күшлар кўйлайди, ариқларда сувлар, даражатларда барглар кўйлайди. Улар билан бирга bog ичида Гулнор ҳам кўйлайди» (166—167-бетлар). Шунда Иўлчи кетмонин баҳона қилиб келади. Бу учрашни уларга туталламас баҳт онлари бўлиб қолади. Севгай қаҳрамонларига виҳонт саҳйилик қўйувчи ёзувчи иносонлар раво кўргаган бахти, яхшилигини ато қилигиси келади. Лекин баҳор, умуми та-

бият гүзгилгини ҳис қылыш түйгүсідан узоқ бўлган, фақат пул, давлат кўйнда яшовчи золимлар ўзларигина эмас бошқаларни ҳам бу гўзгилдан маҳрум қыммоқчи бўладилар. Гулиор Нурилар ҳөвлисіда кир ювади. Ажойиб баҳор, гилослар гуллаган. «У букун шод, баҳор унинг нашасига наша, гўзгиллигига гўзгиллик кўшга...» Енглар шимарилган, тиқчамоқчада оқ билаклар қўёш нурида кумушланар сочлари қуоқ, кинриклари майин снар эдиз (159-бет). Мана шундай ажойиб дамини Нури бузади, у Гулиорга Иўлчини ўзларига хизматкор қўлиб олмоқчи эквалигини билдиради. «Кечкүрун Гулиор ўз уйига қайтаркан, йўл-йўлакай ҳасратда ёниб корону хаёлларга чуғағди» (161-бет).

Шу ажойиб баҳордан Нури қандай таъсиранди, нима олди? Бу ажойиб дам Нури кўнглига бирор ёргулук бермади. Ҳолбуки, Гулиор меҳнат қиласиги, кир ювяятни. Барча ҳақ-хуқуқка эга Нури эса белини ушлаб гердайиб турипти. Гулиорни маҳтагани учун қайналасини ҳам узиб олмоқчи бўлади,bu фикр дам унга завқ багишламайди, аламини тарқатмайди. У Гулиор сирини чуқурроқ биломоқчи бўлади, аёсиз равиша да. Иўлчи ҳақида гап очади, унинг қалбини тирниайди. Ажойиб баҳор ёзувчига икки қалб, иккى сиф вакиларини янада конкрет кўрсатиш имконини беради. Гулиорнинг наънавий бойлигини, шу билан унинг баҳти эквалигини ёзувчи яна бир бор таъқидлайди. Ҳамма нарсага эга, лекин қалби қоронги, нияти бузуқ бўлган Нурини эса ҳамма нарсадан, даставал кишига баҳт, завъя багишловчи гўзгилники тушунишдан маҳрум қиласди. Доимий адоват: ҳасрат, бойиб, давлат ортиришистаги Нуриларни иотабий, лекин улар учун табиий бўлган нарсалардан завқланнишга олиб келади. Ҳақиқиёт гўзгиллик, инсонни завқлантирувчи, яшашга даяват этувчи ҳис-ҳаяжонлар уларга бегоналигича қолаверади. Чунки улар кўксилари, қалблари бошқа кечинмалар, фикр-хаёллар билан банд. Табиатни, ёзувчи севган баҳорни ҳаммага ҳам бир хил манзур қымаслик асар ғоялари билан чамбарчас бояганиб кетади. Бунда табиинийлик ёрқин кўринниб туради. Нурилар фақат завқланмайдиларнина эмас, балки бошқаларни ҳам шундай қуончдан маҳрум этидилар, ҳаётларини заҳарлашга ҳаракат қиласидилар. Сахий табиат раво кўрган нарсларни одамларга раво кўрмайдилар. Чунки улар бир

фикрда, бир нијатда яшамайдилар. Ҳар бир тасвири социал тенгизликини, қарама-қаршиликни таъқидлашга сафарбар этилади. Шундай қилиб, ёзувчи яраттаи ҳар бир манзара авторининг гоявий мақсадлари, тасвирила-наётган даврнинг социал конфликтини очиш билан муштарак бўлиб боради.

Ҳар бир катта санъаткор сингари Ойбекнинг ўзига хос нозик томонлари, «инижиётларни» бор. Табиатнинг ҳамма фасли, ҳамма дағиқалари унга бир хил таъсир этмайди.

Ойбек қоронгитикни, кечни, тунни ёқтиримайди. Бу пайтда албатта қандайдир кўнгилсизлик рўй беради. Севгани қаҳрамонлари дилини вайрон килиади. Қоронгулик тасвиридан фойдаланиш Ойбекка ўтмиш адабиётиди, қолаверса, Абдулла Қодиридан мерос бўлиб қолади. Ойбек бу қарашни ривожлантирида, бахтсизлик, кўнгилсиз символида кўллади. Абдулла Қодиридан ҳам қаҳрамонларнинг кўнгилсиз ҳолатини атайн кечга, қоронгуликка кўчирсангес бўлиб кўринади. «Бу кунги кеч Отабек билан Ҳомиддинг ҳаёт ва мамот масалаларини ўзининг қора қўчигига олган қорону бир туни эди ва булардан қайси бирларининг сўнг соатлари етганлиги шу қорону туни каби қорону эди» (240-бет). «Анвар маҳдумнинг маҳалласига келиб етганда, киши танимаслиг даражада қоронига тушди ва шу қаторда Алварнинг кўнглидаги қоронгулик ҳам кучайди; юрак уриши эътиоддан чиқиб ўғри кишидек, атрофига қарана бошлади» (203-бет). Кеч тасвирининг бошланниши кишини нимагадир тайёрлайди. «Атрофда қоронгулик куюқлашди. Номошомдан қайттаниларни қоронига эшиклиар «гарч», «гик» билан ютади. Осмон будут. Биронта ўлдуз кўринмайди. Ҳамма нарса — ўйлар, деворлар, дарактлар, қоронгуликка жимгина чўқди» (121-бет). Мана шундай оғир, юракни ёзувчи дамда Иўлчи Гулиорни эслал энг ширин хаёлларга берилиб ўтиради экан, қишлоғидан одам келиб оиласига бирор пул юборишни сўрайди. Иўлчи Мирзакаримбояга мурожат этнишга мажбур бўлади... Бу Иўлчи учун ниҳоят оғир бир вазият эди. Гулиорнинг ўзими ҳам кечасига тўғри келади. «Қоронгулик, Гулиорнинг қайғуси каби куюқлаша борди. Унда-бунда юлдузларнинг олтини ўтиради» (296-бет).

Киши камбагал, бечоралар, етим-есирлар, оч-купулар сирини очади. Бунга «Мехробдан чаён»да Абдулла

Қодирий ҳам әттибор қылған эди. «Бу күнги совуқ билан қор әр кимга ҳам гарчылк жағаш иншом қылған, бой за беклар обигидати бедона, сагри қала қавашлар билан, қамбагал косиблар кийған упика, айбаки қавашларнинг ўзаро фўрим қолмаган да ҳатто баъзиларининг обигидаги ероч қавашлар ҳам ажойиб нағма навозлик қиласр эдилар» (152-бет). Абдулла Қодирий умуман манзарани тасавир билан одамларни бир хил қийинмагалтигига имо қилиб ўтса, Ойбекда бу фасл, гөн билан чуқурроқ боғларди. Ойбек ҳам табиятнинг бу фасли билан чиқишмайди, чунки унинг сезван, хайриҳох бўлган қадрамонларининг почорликлари, қамбагалликлари бу пайтда айниқса билинади. Уларнинг онгларига қишидан яхшилик кутмаслик сингиг кетган. Мана, Шоқосимни бой хизматкорликдан бўшатиб юборади. Бундан хабар топган Йўлчи билан Ўроз жуда ташвишланадилар. Уни қиша ҳеч ким ишга олмаслигини биладилар. «Қаҳратон қиши бўлса!» деб афсулланади. «— Қиши ўчиги тор, кўп уйинигга бор, дейди кексалар,— деди Йўлчи, совуқда ота-бала қаерга боради» (103-бет). Буларнинг ташвишлангани бекорга эмас эди, иш топотмаган Шоқосим тиланичлилар қилинга мажбур бўлади. Йўлчи Мирзакаримбай билан урушшиб кетар экан, бозорга тушади. «Қаҳратон қиши. Нима кўп — ишсиз кўп. Иш томиш қийин. Мардикорлик, дала ишлари йўқ... Йўлчи лой йўлкада осклиарни солиб ўтиргран қатор ҳаммоллар ёнига сукулди... Бу ерда йигирмага яқин ҳаммом ўтиради. Ораларида ўн тўрт-ўн беш ёшли, хааста каби рангиз, ориг болалар; юк кўтарниш уёқда турсин, афтидан, ўзини базор ёзлаб юрадиган, тинка-мадориз, елкаси чиқиқ, бели букин чоллар ҳам бор. Ҳаммасининг белида, елкасида эски-туски нарса, узук-юлуқ арқон, кийимлари жулдур, ифлос; бир кўплари чопон ўрнига жўн копга ўралган» (260-бет). Езувчи қиши фаслиниң меҳнаткаш аҳволини янада оғирлатганлигига әттибор қиласр экан, қишининг ўзига хос жозибаси ҳам унинг назаридан четда қўлмайди. Санъаткор бу фаслини ҳам дусн-латофатини чизиш учун таъсирили сўзлар топади, қиши файзини кўрсатади. Бу билан губ қиши ўз-ўзича «ёмон», айбдор эмас, у ҳам одамларга авзак бағишилаши, баҳт келтириши мумкин деб айтмоқчи бўлади. Лекин мазъулум тузум бу ажойиб фаслин камбагал хуш кўрмайдиган қилиб қўйган, демоқчи бўлади.

Табиятнинг бу фасли Йўлчига ҳам яхшилик қилимайди. У бу зимистонда меҳрибон онасидан ажралди. Бу хабарни Йўлчи кечқурун эшилди. «Булулти қиши кунининг юракка зинкли берувчи хира тонгид» эса Гулиор ҳам эшилди» (180-бет). Йўлчи ҳолатини ёзувчи Гулиор тасаввурла беради. «Ў қишилоққа кетаётган гарип йигитни тасаввур қиласди, магрур боши букилган, кўзлариди чақур ҳасрат; қор боғсан далада кадамларини катта-катта отиб, танҳо боради...» (182-бет). Гулиорнинг хәлолти ниҳоят реал бўлиб, ўқувчи уни шундай равшан тасаввур қиласди. Гулиор бу билан кифояланмайди. Мирзакаримбай кўрсатган бойликларга хаёли кетиб қолган Гулиор яна дарров ўзига келади. «...бирдан Йўлчини, онасининг мозорини кучини учун совуқда қор кечиб кетаётгани стим, мотамли Йўлчини эслади» (184-бет). Йўлчи ҳам моддий, ҳам маталини қўйналади. Қишинчиликлар йил сайни кўпая боради. Отасидан жудо бўлиши ерининг қўлдан кетишига сабаб бўлади, бунинг натижасида у она қишилогни ташлаб шаҳарга иш қидириб келади. Тирикчиликни бир амаллаб эплаб турган жафокаш онасидан ҳам ажрайди. Уйини сотиб синглисинг шаҳарга ўзи билав олиб кетади. Шундай қиалиб, бир онла вайрон бўлади, тугайди. Йўлчини ҳаётга ундан, келажакка, яашашга умид боғлаган якка-ягона нарса Гулиор эди. Мана шу баҳтсиз қиши кунларининг бирорда ундан ҳам ажралади. Гулиорнинг бойга узатилиши ҳам қиша бўлади.

Гулиорнинг тақдирни Йўлчи тақдирини ҳам белгилайди. Булар кечинмаларидан табият ҳам мотамга тушади. Гулиор никоҳ яқинлигини эшишиб юраги зир титрайди. «Бир тутам қуни Гулиор учун битмас-туғанмае узоқ кўринди. Ялангоч дараҳтларнинг учлариди уфққа ботга қўёшининг нурлари титрайди. Атрофдаги ҳовлилардан кўтарилиган тутунлар кўкимтир, майн мавж билан тиник, совуқ ҳавода сузади...» (206-бет). Онасини қўмиб қайтак Йўлчини яна мудҳиҳ хабар кутар эди. Йўлчи Коратойдан бу фожиали хабарни эшилди. «Кечанинг тим қорасида юлдузлар ёрқин ёнади. Ҳам маёқ жимжит. Тун совуғи билан қоттан лой оғёс остида, синиқ шиша парчаси каби қирс-қирс ушалади. Йўлчи коронги кечада борар экан, бутун гарифблигини, юрагидаги қайту гирдобининг бутун оғирлигини яна чуқурроқ

түбди (210-бет). Бу ҳам Йўлчига камлик қўлгандай, у Гулвор ўйқолганидан хабар топади. Бунсиз ҳам Йўлчининг қалби оғир ва ноаник аҳволда эди. «Кечанинг сонуги, изғирни кучайди. Баданин совуқдан муз кесилди, чарми тошдай эски этик ичидан оёқлари жонисизланди. Лекин, у бир зум кўймасдан тентирайверди. Бир бурда сарик, совуқ ой хира нур тумани сепди. Йўлчи санқиб ёриб, анхор ёқасидан тўхтади. Сув шивиллаб, қандайдир, сирли, ваххамили кўриниш билан оқади» (214-бет).

Езувчи севимили ҳаҳрамон Йўлчининг юрак дардларини ҳаеб оча бергиси келмайди, чунки ҳамма нарсани ҳам чегараси бўлади, лекин Йўлчи бошига шунча нарса тушдиди, уларнинг ҳаммасини кўтарди, бардош бериш учун фақат Йўлчидек мард бўлиши керак эди. Гулнор узаттилди. Гулвор умиди билан бой эшигига юрган Йўлчига бу уй тамомин ҳаром бўлди, иккичи томондан, бу уйда Гулнор яшайди. Синглиси Уйсининг кўрганин келган Йўлчи, ундан Гулнор ҳақида эшигади. Устига-устак Уйсин бу уйда қололмаслигини билдиради. Йўлчи кўксинда таърифга симайдиган қарама-каршин ҳис түғен қиласди. У эркак киши, ҳамма нарсани мардлик билан енгади. Езувчи уни вазмин, чидамлик қилиб беради ва унинг ҳолатини табнатга кўчиради. «Қор кучли ёғари, кўчалар, томлар, деворлар, дарахтлар оппоқ... Сокин, ғариб қиши оқшоми, көр капалалакари Йўлчининг қошлиларига, киприкларига кўнади, юзларига ёлишиб томчиланди. Йўлчи узоқда, масҷит минораси устида, көр билан яна кўпроқ қаппайтади бўш лайлик уйсига термулади. Нечундир, кўнгли бузилиди. Ғариб, сокин қиши оқшоми...» (250-бет). Кўнглиниң бузилишига асос камми? Одамни шунчалар ҳам ҳўрлайдиларми? Мана шу ҳамма фикр манзарага кўнгандай, ва аксинча, губ Йўлчи ҳолати манзарани шундай кўришга, таъсирашга олиб келгандир!

Кишидан ҳаммага ҳам озор етавермади. Бойлар ҳаётинг совуқ таъсир кўрсатмади, балки улар бу фаслиниң ҳам завқини суравердилар. Нури эрга чиқди, Мирзакаримбий ёш қизга уйланди. Салим билан Тантилар бўлса кайғин-сафодан қолмадилар. Лекин шу билан езувчи бу одамларни қиши фазилатларидан эстетик завқлаштиради ҳам.

Оғир яраланган Йўлчи охири марта ҳаётга боқар экан «Тиниқ зангори само, азамат қуёш унинг кўзларига

кирди» (330-бет). Бу Йўлчининг охириги нигоҳи эди. «Оғир қоронгиллик, чукур ва эзувчи жимжитликда иккича дўст учинчи дўстини қабрга қўйди» (332-бет). Пўлчи бозлаган иш, у кўтарган порозилик ҳаракати мўътабар эканлиги ҳақида Шоқир ота яхши гапиради. Унинг гали тўғрилигини тасдиқловчи, келажакка умид баҳш этувчи фикрлар табнатга юкланди: «Уғфларга қон каби тоза, қизил шуғулалар ўгуруди. Чиқаётган қўёшини саломлаб, яшшал дарахтларда қўшлар сайрай бошлади...». Асар шундай оптимистик бир тарафа тутгалланади. Охирида ҳам қаҳрамонларга қуёш ҳамроҳ бўлади. Ойбекдаги умум стил учун хос бўлган мазмун ва равонлик унинг пешажга бўлган муносабатини ҳам белгилайди. У табнат бўёқларини куюқлаштиромайди, рангларни кескин ўзгартирамайди. Унга имранглик, сокинлик матъкул.

Саид Аҳмад ҳам табнат манзараларини ўзига хос бир тарафа ҳис қиласди, кўради ва тасвириайди. Саид Аҳмад хоҳ лавҳа ва хоҳ ҳикоялар, хоҳ повесть ва хоҳ роман бўлсин, табнат тасвиридан кенг фойдаланади. Унинг қаҳрамонлари ҳам Ойбек қаҳрамонларига ўхшаб кенг, беопёл табнат кўйинда яшайдилар. Улар ўзларини ўраб турган борлиқ билан жуда яқин муомалада бўладилар, уларни табнатдан ажратиб тасаввур қилини мумкин ҳам эмас. Езувчи ҳар доим ўз қаҳрамонларига ажойиб манзараларни кўрсатиб, ҳис қилириб ўтирумади ҳам. Лекин улар истаса-истасаса табнат кўйиндалар. Езувчи қуюқ ёрқин бўёқлар тарафдори. Унинг манзаралари мўллиги, кўзга ташланарни даражада кўримлилиги, ниҳоят, бой ўхшатишлари билан характерлидир. У ҳамма фаслдан, табнат кўринишларидан шеърият топади, завқланади. Езувчи манзара ёрқинлиги персонажларини «босиб» кетишидан кўркумайди. Унда одатда айъанавий бўлиб кетган ой, қуёш, баҳорларга қайта-қайта мурожаат этилганни кўринади. Лекин езувчи уларнинг ҳар бирини янги-янги ўхшатишлар, функциялар, психологиягина вазифалар билан таъминлайди. Узимизга ошино бўлиб кетган ой ҳам юз турланиб хуснини кўз-кўз қиласди. У қаҳрамонлар кўнглига йўл топиши билан, ва аксинча, қаҳрамонларни унга мутлақа эътиборсизлиги туфайли ўқувчи динқатини тортади.

Саид Аҳмад қаҳрамонлари замонавий, шу кунги кишилар, ёшлардир. Улар ҳамма нарсага тўла ҳақдигини эмас, балки шу ҳаёт бергацан завқлардан чала-ярим эмас.

тұла лаззатланыш, «күкрап керіб нафас олиш» тараф-доридылар. Үлар ишлаб ҳам қарчамонилар, завқлашиб ҳам. Езуучи қаҳрамонилар учрашған шароиттың үлар қайғынлатырыга мөс ҳолда тасвирлайды. «Яна үша анхор бўйи. Яна үша сичқон тештан злакдек ой. Олдузлар кўйгани қозон тагидек жимир-жимир қилип туришибди. Анхор шалоблаб қирғоққа сапчиди. Ой аксини майдалаб оқизиб ётмоқчи, мажнун том навдаларига осилиб бир дам тўхтамоқни бўлади-ну, эволюмайди. Ҳарсанг тош устида обигини сувга ботириб Умидга ўтириби. Аввар ҳовлиқиб-ҳовлиқиб гапиради»<sup>19</sup> (298-бет).

Асар қаҳрамонилари ҳаётта энди қадам қўйётган, ўз ўрнини топишга отланган ёшлардир. Үлар кўнгли мұхаббат билан, катта салмоқли меҳнатга интилиш туйгулати билан тўладир. Үлар юракларида түғён ураётган гайрат, куч, интилиш, ўзлари тушуниб етмаган кечинималар табнатига кўнгандек, унинг тиқнингини бузгандек бўлиб турибди. Ҳолбуки, бу қайтарилмас ажойиб манзара иккни ёшга тасъир этмагандек, үлар ўз кечинималари бир тўхтамга келмаган ҳар ҳил режалар билан бандидир. Үлар катта ҳаёт тажрибасини ўтмаганлар, «пишмаганлар», қалблари гайрат билан тўла, келажакка катта умид билан қарорчи завқни ёшлардир. Езуви бу ҳолатни уларинг сўзлари, ҳаракатлари ва ниҳоят манзара орқали беришига муваффақ бўлади. Ҳаётта мустақил қадам қўйётган йигит ҳаётидан унтутилмас, бир умр эсдан чиқмас ҳодиса рўй беради. Тоби қочиб, кўнгли беҳуш бўлиб қолган йигитни унга тамоман бегона бўлган одамлар ўз ўйларига олиб борадилар, парвариши қиласидар, ишонч билдирадилар. Йигит бу ерда қолар экан, унинг кўзига ҳамма нарса — ўй эгалари ҳам, уларнинг туриш-турмушни ҳам ажойиб кўринади. Бундан қандайдир «сир» қидиради. Тўғрироғи, бу оила аъзоларига хос бўлган олижансобликни ҳамма нарсада кўради: «Тун жимжит. Ариқда сув жилдирайди. Ен-веримга тап-тап қилиб шафтоли тўклилади. Том навдаларин орқасидан юзлари тилим-тилим бўлганга ўҳшаб ой кўринади. Ҳамма ёқда сўйим ву осуда ёз кечаси ҳоким» (166-бет). Бир-иккни кун ноташни ўйда меҳмон бўлиши йигит онгига катта ўзгариш ясади. Яхши одамларга яқинлашиши ту-

<sup>19</sup> Сайд Аҳмад. Таңланған асарлар, З томлиқ, Тошкент, 1971. Бундан кейин келтириладиган миссолалар ҳам шу нашардан олинган.

файлни «бойиди»; унда янги қараш пайдо бўлганига — «яхшилик» кўпайтанига ишонамиз. Бундай одамийлик йигит кўксидан абадий қолади. «Хар гал қишлоқдан станшияга ўтаётганинда томининг ярми шифир билан ёпилган уйнинг қораси кўрининчи билан юрагимда чиройни ҳислар ғалаён қиласиди. Ҳовли ўртасидаги бир туп шафтолиниң баҳорда пушти гулта бурканиншини, ёзда сап-сарни мевалар ларзон бўлишини, кузда барглари оловдек ёнишини, қишида яланнинг навдаларига будлурук қўнишини кўриб ўтаман» (167-бет). Бу ерда ёзиқ табнат тасвири ёйқ, балки мана шу ҳовлида, шафтолиси бор ҳовлида унга яхшилик қиласан, одамийликнинг энг юқори намунасини оддий бир кундайдик табиият бир воқеадек қабул қиласан ажойиб одамлар яшайди. Бу ҳовли унда кишиларга яхшилик қилиш керак эканлиги, эътиборли бўлиш керак эканлиги туйгусини ўйтотган мўътабар бир жой сифатида қолди. Ўндаги шу туйғу бу ҳовлиниң кўрки, энг характерли белгиси бўлмиши шафтолиси билан ҳам боғланниб кетади. Бу ерда езуучи фасл белгилари орқали киши кўнглини, кечинималарини кўрсатишга ёриштаган. Бу ҳикоясининг «Чўл оқшомларин» деб номланишининг ўзиёқ табнат манзаралари тасвирининг устулигини имодек бўлиб туради. Езуви яна үша ой, ажойиб чўл кечасини ўзига хот табнати билан тасвирлайди. Лекин унинг тасвирида қайтариб ёйқ. Ҳаммаси ўрнлини, таъсирили. Езуви бу табнат манзараларини «чиройлилик» учун келтирмайди, балки унинг қаҳрамонилари шу табнат қўйинда яшайди, ўз баҳтини топади. Уларнинг кечинималари, юрак дардлари табнат лавзадаларига ўттаидек, борлиқ улар қалбидаги сирини, аниқ тушуниб айтиб бўлмас бу ҳолатни (манзарани) ифодалагандек бўлади. Бу ҳолат одамнинг табнати билан бўлган муносабатидаги алла-қандайдир сирин чукурлатади. «Чўл қозоқлари эрта билан овулдан чиқишшаёқ, кўченин ердан кўтарилишини кўрмаса, унинг кеч пайт ботишини кўрмаса, юраги сикилиб кетади» (283-бет). Набираларни севгиларидан хабар топган иккни чол уларни қонуштириши илоқини тузадилар. Машзала ҳамон чирсиллаб ёниб турпти. Осмонда юлдуз тўлиб кетди. Липиллаб ёнади, ўчади. Худди көинотга чиқаётгандек имлашибди. Уғф этаги хира пардаларга ўралгандек, бир зум соқин туриб ошуқ-мазшуқлар ҳақида, ой ҳақида қанча-қанча асарлар ёзилган, шеърлар тўқилган. Сайд Аҳмад қаҳрамонилари бу анъянага терс

қарайди, ойга тамомай илтифот қылмайды. «Бу ошиқ-машук тушмагуулар китоблардаги ошиқларга үшшаб ойга ҳам, мұлтыллаң турған жолдузларға ҳам қарапшайды. Айниқса, Зухра жолдузы улар қарапмикан, деб шуича имлады, йәк қарапшайды. Охир ү зада қылғандек үзиге хира бир булатчан парда қылғи тутиб олади. Аммо есқи күй ошиқлардан бева қолтайды ой улардан күзини олмай түриб олтады. Хуллас, иккى ёшнинг бегубор сегві достони чекисиз даشتада түгиди. Уларнинг танишинилари ҳам сақхі табиатнинг гүзәл бир онларига түрги келган эди. «Хамма ёк лола. Ҳудди қырларға қизил балхмал ёпіб қўйғандек. Шу соқин яйлонда мотор товушию, шамоллинг гувуллашидан бошқа нарса уларнинг қулогига кирмайды» (288-бет). Шамс за Сулув қўнгилларидаги муҳаббат түйгуси ажойиб баҳор фаслидек кенг ва бепоён қырлар қўйинда түгиди. Чўлнинг үзига хос фазилати, жозигиси бордир. «Хозиргина яшнаб турған осмонийн булуғ ӯрадио, шатир-шутур қылғиб ёмғир күя боштади. Бий дала, яширинадиган жой қаёқда дейсиз. Уларнинг иккени ҳам ивниш шалаббо бўлиб кетиши. Шамс бир дам тўхтаб курткасини сишиб, қизнинг бошига ёпіб қўйди. Аввалига қиз қўнимаган эди, йигит қистайвергандан кейин, ионлож қўнди. Яна ўйлга тушиши. Үзоқдан пичан гарамларни кўрина бошлидн...» (288-бет). Бу гарамлар ҳудди чўл ўргасидан бодраб чиққан қўзиңкорнинг үшшаб кетарди. Гарамлар тагига келгач, кўй-кўзилар атрофдан еявериб паст томонини ингичка қылғиб қўйнисган. Бу ҳудди шаҳар паркларидаги мороженинг буджаларига ҳам үшшаб кетади. «Қиз билан йигит шу пичан-соябон тагига сукилиши. Жала кўйганидан қўйиб ётгиди. Емғир ишлари шамолда чўзилиб баъзан уларнинг ҳам юз-кўзини савалаб ўтиб кетарди...» (289-бет). Баҳор иккى ёш баҳтининг гувоҳигина бўлиб қолмасдан, балки улар түйтгуларига шароит яратди, бенхтиёр аралашди ҳам. Ешлар кўксиларда тугилабтган түйтгулар билан овора бўлиб даشتнинг ёмғир пайтидаги үзига хос гўзаллигига, ёмғирдан сўнгги тоза, мусаффо ҳавога эътибор бермадилар. Лекин ёзувчи ҳақиқий, чукур севги түгилшига аргизигулиш шаронт яратади. Биз улар севгиларини бутун ўраб турған борақ билан бирга қабул қиласиз, унинг таъсири кучли ва мустаҳкамдир.

Саид Аҳмад ҳар бир асарида қаҳрамоннинг ҳаётидаги рўй берган қандай ҳодисани, қандай түйгунни ифодаламасин, у асосан меҳнат кишилик экзанин таъқидлайди. Айниқса қишлоқ темасида ёзилган асарларида меҳнат завқини сурувчи, табиат гўзаллигини чукур ҳис қилиувчи совет кишилари образи гавдаланади. «Тоғ афсонаси» ҳикоясида ўқувчини иккى ёш муҳаббатининг тугилишига гувоҳ қиласади. Бу тема, бу тўйгу ҳамма нарсадан узилган ҳолда эмас, балки объектив борлиқ, муҳит билан бўғлиқ ҳолда, агар шундай дейин мумкин бўлса, меҳнат процессида содир бўллади. Ваҳобжоннинг ҳам, қизининг ҳам ким эканлигини, уларнинг қиска ҳаёт ӯйларини ҳам биламиш. Уларнинг ажойиб қалбларига ҳам йўл топамиш. Ваҳобжон оддий, айни чоқда ажойиб йигит. Бу ҳар нарсада кўринади; шу билан бирга, бу йигит маънингий бой, соғ йигит. Бу сифатлар ҳамма нарсада, шу жумладан, табиатнинг ҳис қилиш орқали ҳам берилади. Айниқса бу томонларнинг оқшомига ҳеч нарса тенг кела олмайди. Дарё шовулавиди, тоғ орасидан осмонига сут пуркагандай бўлиб аввал ой шуялси кўринади, кейин ўзи салмоқлаб осмонига кўтариладиган тоғ ҷўқисига айри миниб түриб қолади. Бираро чиройлаб, бираро шабада эсади. Саратон дазмолдек қизидирган тошларни шу шабада пуфлаб созутади. Ут-ӯйларни силькитади. Жўжаси ҳали учирма бўлмасига она ўрдакларнинг аллага үшшаш галати гақилилашини үзоқлардан олиб келади. Каналинг бетѓукни суви ойдинда ҳудди поени йўқ яхлит ойнадек илтирайди. Қулоқ бошида сун очёттани миробларнинг товушни эшиглиб қолади. Айниқса биттаси эзин-эзин ашула айтади. Кечаси ослидас келган қўшиқ галати бўлар экан. Одамнинг томир-томирига кириб кетаман дейди» (69-бет). Борлиқни шундай тиниқлик билан тасаввур қилган йигит ишлаб чарчамайди. Унинг кўкси ҳали бирорта бевозвота ташвишлар билан банд эмас. Унинг ҳамма нарсада шеърият кўриниш, завқланishi ниманиндирик кутаттамайдан дарак берётгандек кўринади. У катта умид-ишионч билан яшади. Саид Аҳмад яратган табиат манзаралари ўқувчига (ҳудди асар қаҳрамонидек) ҳузур бағишилайди, юрагини катта завққа тўлатади. Айниқса, табиат манзаралари гўзаллиги қаҳрамонлар кўнглидада ўтказынганда, уларнинг қарапшалари, тушунишлари, хислари бу кўрининши шарҳлагандек, қаҳрамонларнинг ички

дүйеси билан ташқи дүйеси, мұхити ўртасыда сирли алоқа болғанды. Гұзалліккін ҳис қылыш баҳтии ёзуви ҳам-  
мага ҳам ато қылавермайды. Күнгіл тоза, қалби пож  
одамтика гұзаллік қадырга етады, ундан илхомланады  
деган фикр ёзуви асарлариде етакчылық қиласы. Бир  
вақулар тасодиған учрашған иккі ёш иккінчи марта  
яна тасодиғай учрашады. Улар қалбасыда пайдо бұла  
бошлаган түйгүта ҳамма нараса, айниқса ой гүвоқ бўлиб  
боради. «Пўлга тушишди. Ой худди машина билан ёнма-  
ён келәстігана ўшайды. Сөядай бўлиб кўринаётган тоғ-  
тизмалари бирар ажойиб, бирар ажойиб» (74-бет).  
Тасодиғ буарнинг иккалаларини тогда тунаф қолишга  
мажбур этди. Улар қалблариде тушишиб бўлмас ҳаяжон  
уйғонди. Ёзуви улар қалбларини тинч қўйди, чунки улар  
ўзлари бир фикрга келганича йўқ. Оғиз очиб бир нарса  
дейнишга эҳтиёж ҳам йўқ. Ёзуви бу мураккаб ва азиз  
ҳолати, ҳис-ҳаляқонинг ҳаммасини табиатга кўчирди.  
Ўз устидан «жавобгарликни» олиб ташлади. Ўзуви  
ҳам уларни тинч, ўз кечинмалари билан банд қилиб қўя-  
ди. Уларга ато этилаган манзара билан кифояланишга  
рози бўлади. «Қиз индамади, у азamat төғ тизмаларига  
анави қўриниб турган учун қояға жига қўйин турган  
балодқек ойга жимгини қараб ўтиради» (74-бет). Саид  
Аҳмад қаҳрамонлари завқи, меҳнатсевар қишиларидир.

Махсус рассомчылук илмини олган Саид Аҳмад асар-  
ларida кенг ишланишиб келган табиат тасвири, иносин за-  
табиати орасидаги сирли муносабатлар унинг «Чўл бургу-  
ти» циклига кирган қатор ҳикоялари—«Ўрик домла», «Ло-  
чин», «Одам ва бўрон», «Бўстон», «Ер уйғонди» асарлариде  
ўзининг кенг ва чуқур ифодасини топди. Саид Аҳ-  
маддининг ҳақиқий рассомлик қобилиятини, бўёқларни чуқур  
ҳис қилиши, қаҳрамонларининг қалблари, кечинмалари-  
ни яхши билиши унинг бу ҳикояларida рўй-рост кўрина-  
ди. Бу асарларida ўзининг мазмун, тематик доираси  
билан ва бизни қизиқтирган кенг мазъодаги пейзаж ма-  
салалари чуқур фалсафий ишланиши билан характерла-  
нады. Ёзуви ҳамма нарсадан ҳам иносининг устулигини,  
унинг ҳақиқий гўзаллук яратувчи қобилиятини мадҳ  
этади. Бу инос ўз тарихи, ватани, миллиати ва қиёфасига  
эта бўлган ҳозирги замон совет қишиисидир. У гўзаллтини  
чуқур ҳис этидигина, қадрлайдигина, ардоқлайдигина  
эмас, балки гўзаллтини яратади ҳам. Бу цикл ҳикоялариде  
чўлни, чек-чегарасиз, бепоени даشتни забт этувчи,

унга янги ҳаёт, қиёфа берувчи, янги тарих яратувчи  
совет қишиларни образини таҳдил этади. Саид Аҳмад  
қаҳрамонларини даشتга, янги ерларни ўзлаштиришга  
келингрина нарса енгил мәҳнат қидириш ёки кўпроқ нул  
топиш истаги эмас, балки ички бир зарураттадир. У мана  
шу қишилардаги ички зарурат мазмунини таҳдил қиласы.  
Ёзуви асарлариде воқеалар, қаҳрамонлар даشتга  
кўчирлади ва табиат билан доимо юзма-юз туришади.  
Уларнинг баҳти яашаш фалсафаси, мешнатга бўлган му-  
носабати, севги-муҳаббати, кун кечириш шаронти — ху-  
лас, ҳаммаси кенг табиат қўйинида рўй беради. Улар  
катта шаҳарлардан, катта ҳаёт оқимидан узоқ бўлишла-  
рига қарамайди, ўзларни камсунгилан деб ҳисобламайди-  
ларгина эмас, балки ўзларнинг баҳтини, туриш турмуш-  
ларини ҳеч нарсага алмашмайдилар ҳам. Улар ҳаётини-  
нинг ўз шеърияти, ўз мусиқаси бор. Саид Аҳмаддин  
бу циклга кирган асарларига «чўл қозоқлари  
эрта билан овулдан чиқишадақ қўёшининг ердан ку-  
тарилишини кўрмаса, унинг кеч пайт ботишини  
кўрмаса, юраги сиқилиб кетади» деган сўзларни лайт-  
мотив қилиб олини мумкин. Чўлнинг ўз завқи бор, гашти  
бор. Бунда тушуни ҳаммага ҳам мусъясар бўлавермайди  
— юрагида ўти бор, катта мақсад билан яшаган одам-  
ларгатина буюради. «Чўл бургути» деб танилган Раҳимжон-  
жоннинг хотини эри ҳақида шундай деди: «Раҳимжон  
акангиз шундик катта чўлга симгайдилар-у, ҳовлига  
девор олармидилар» (215-бет). Ёзучининг пейзаж тас-  
виридан кузаттан мақсади кўп, унда воқеалар содир  
бўлаётган, совет қишилари қаҳрамонлик кўрсастаётган  
чўлнинг ўзига хос табиатини кенг тасвирилайди. Бу тас-  
вири асар воқеаларни қамраб олади. Оҳанг яратади.  
Ўзуви табиати тез ўзгарувчан чўл картиналарини ку-  
затиб боради. Бундан ташқари, бу ерларни обод қильув-  
чи қаҳрамонларининг ўзига хос тушуниши, ўз қарашла-  
ри бор. «...— Биласизми меҳмон, ёз кечалари ӯйдан дай-  
диг чиқиб кетаман. Осмон тўла жалдуз, ой чўз устига  
келганда паастлаб ўтади, ё менга шунақка туюладими,  
ё ростдан ҳам ўзи шунақами, билмадим. Тунда турна  
учганини кўрганимисиз? Мен жуда кўп кўрганман. Жуда  
гаشتли бўлади. Худди кўй ҳайлаган подачига ўхшаб  
«куре-куре» деб осмонни заминдан ўтаверади. Айниқса,  
ойдин кечасидагининг гашти бошқача бўлади. Синкага  
солинган оқ дока орқасидан учиб ўтаётганга ўхшайди.

Умуман, Абдулла Қодирий қаҳрамонларини ўз тилларida гапиритириш тарафдори. Улар бошларидан ўтган воқеаларни ўзлари (Уста Олим) ҳикоя қилишини, ҳаётларида юз берадиган мухим воқеаларни ўзлари гапиришини маъқул кўрадилар. Езувчи Отабек характерни белгиловчи чизиқларни ва ҳаётга, ҳаёт воқеаларига бўлған қарашининг мухим томонларини очиш, уни ўз тилида гапиритиришини маъқул кўради. Унинг отаси Юсуфбек Ҳожининг сиёсатта, саройга бўлган муносабатларни ҳам ўз тилидан эшитамиш. Абдулла Қодирий салбий типлар (Ҳомид ва хоилар)ни ҳам ўз тилида гапиритиришини маъқул кўради. Уларга бундай вазифа юкланинг ҳам ўз сабаблари бор. Бу бевосита автор ниятлари ва асарнинг умумий гоялари билан боғланади ва белгиланади.

Езувчининг персонажлар тилига бўлған муносабатларida ҳам унинг ижодига хос тенденция — яхшиларнинг жуда яхши, ёмонларнинг жуда ёмон эканлиги етакчилик қилиб туради.

Отабекнинг Марғилонга келиши, меҳмондорчликда бўлиши ва ниҳоят чақув орқасида таъқиб этилиши, хон

олдида жавоб бериши ҳаммани қойил қолдиради. Ўндаги ақл-фаросат, мантиқа ҳатто бирор одамдан қойил бўлиши мушкул бўлған хон ҳам бефарқ қарамайди. Ҳомидларга келсақ, акслича, у нима қиммасин ва нима демасин, унинг гапларига гувоҳ бўлганлар ҳижолат тортадилар. Ҳомиддини Отабек билан бирга бўлишилари Ҳомиддини ниҳоят тубан, Отабекнинг олижаноб, вазмини, маъноли эканини солишибни имконини яратади. Улар ўртасидаги келажакда ривожланадиган конфликт биринчи учрашилларида ёки билинар-билининг түғилиди. Шунинг учун ҳам улар ўртасидаги конфликтнинг, айниқса, уларнинг гапларида ҳам аks этиши алоҳида аҳамият каеб этади. Ҳомидда қалб деган нарса йўқ. Унинг кулогига Кумуш гўзаллиги ҳақида таърифлар кирган. Қайси йўл билан бўлмасин у Кумушга уйламоқчи. Бу йўлда ҳар қандай тубанилкан, ҳатто қотилликдан ҳам қайтмайди. Езувчи бундай одамда қалб, ҳақиқий севгি бўлиши мумкин эмас деган фикрин ўтказади. Ҳомид Кумушга маъқул тушармикманнан деган фикрга бормайди ҳам. Агар Отабек Кумушни тасодифан кўриб севиб қолиб ўйланган бўлса (у ҳам Кумуш кўнглини билмайди) ҳам, лекин Кумушнинг ўзига нисбатан қандай қарашига бефарқ эмас. Ахир тўйн куни бўлажак эрининг киммилигин билмаган Кумуш аввалига Отабекка натија-фот қўлмайди, қарамайди, шунда «титраган ва қоғожираган бир товушда:— Нега қочасиз? Нега қарамайдиз?» деб Отабек зорланади. Отабек Кумуш кўнглини билмас ҳам, унга маъқул бўлиши мумкинлигига далилни ҳам йўқ эмас-ку. Улар биринчи марта тасодифан учрашгандарда Кумуш Отабекка қандайдир илик қараган ва «бу қарашда унга ёнгилтина бир табасум ҳам ҳади» қўлгани маълум. Демак, Отабек ва Ҳомиддини Кумушга бўлған муносабатларида тамомила солишибнир бўлмайдиган фарқ бор. Шундай экан, езувчининг Ҳомид кечинмаларини ўрганимасликка, қўнглига чуқурроқ қарараслинига ҳаққи бор. У севги ўтида ёниш ҳукуқидан ҳам маҳрум. Бу образда мураккаблик, қиласётган ишнга танқидий ёндашиш, қиласишилларидан бирор бўлса ҳам ағуссланиши ёки ҳижолат сезилимайди. У тўғридан-тўғри ифлос одам. Унинг характеридаги тубанилк даставал қилимишларида, гап-сўзида, кўринишада, важоҳатида намоён бўлади.

<sup>25</sup> Абдулла Қодирий. Кичик асарлар, F. Ғулом томидаси баданий адабийт мешриғети, Тошкент, 1969

Езувчи персонажларни гапириши орқали доим уларни индивидуаллаштиришга эътибор бермаса (ёки булга мусассар бўлмаса) ҳам, лекин уларнинг ўзлари гапиришлари шарт эканлигига эътиёж сезилади. Буни айrim мисолларга мурожаат этиш орқали кўриш мумкин. Кумушни ўғирлаш плани билан езувчи Отабекни Ҳомидлар гапи орқали таниширади. Гёё бутун кўргуликларнинг сабабчиси ва бундан кейинги Кумуш тақдирини ҳал қўймоқчи бўлган одамлар режаларини Отабек ўз қулоги билан улар оғзидан эшитишни керак эди. Бу хабар фақат Отабеккагина эмас, ўқувчига ҳам бевосита уларнинг ўз оғзидан эшитилиши керак эди. Езувчи душман режаларини кўрсатиш билан бирга бу режаларнинг амалга оширилишини ҳам эринимасдан тасвирлайди. Бунда Отабек ва Ҳомидларнинг ўз нутқлари — диалоглари етакчилик қилиб туради. Чунки ёзувчи бу орқали Отабекни ҳаёт-мамот учун, Кумуш учин курашини кўрсатишга мусассар бўлади. Бу кураш Отабекка жуда қимматта тушади, душманлар эса ҳаёт билан хайрлападилар. Умрида бирор одамини хафа қилимаган йигит бир йўла ун кишини ўлдиради. Шундай экан, бу воқеаларнинг ўзгача моҳияти бор. Ҳомидларнинг айблари фақат Кумушни ўғирлашдагина эмас, балки уларнинг умумай иносонлик хусусиятларини ўқотишларрида ҳамдир. Ҳомиддининг айби фақат Кумушни сиртдан севиб, колниш (чинакам севган одам бундай йўл тутирайди) ва бу йўлда турли тубанликлар қилишибдагина эмас, балки бу тубанлик умуман улар ҳаётни мазмунини ташкил қиласди. Мутал ўз қилимишларини ўзи сўзлаб берини ҳам бежиз эмас. Чунки бундай ифлосликни ёзувчи ўзи гапиришдан ҳазар ҳилиб тургандай бўлади. Мутал қилимишларини маҳтаниб гапириш экан, унинг гувоҳи кўпайгандай, моҳияти яна чукурроқ очилгандай бўлади. Чунки ўз қилимишларини эслаб гапириш экан, ҳозирги даққикалардаги ҳолати янада ёрқинроқ қўринади. Отабек буларни ўзбахти, Кумуш баҳти ўлдиришга муваффақ бўлар экан, унинг гувоҳи анича енгиллашади. Отабек фақат ўз душманларининг ўлдиримайди, балки одамларга фақат ёмонлик қиливчи, озор етказувчиларни ўлдиради. Уларнинг қилимишларини эса биз уларнинг ўз оғзиларидан эшитганимиз. Бунинг тасири кучлайди. Отабек Ҳомидни шундай ўлдириб қўя қолмайди, балки:

у билан гаплашиб, гувоҳини бўйнига қўймоқчи бўлади. Бу дам Отабекнинг мардлиги, унда шундан бошқача чора ўқўлигини, бошқача қилиб айтганда, езувчи Отабекни олижаноб—душманини ўз айбига иқрор қилдириб, сўнг ҳасос олишини кўрсатмоқчи бўлади. Буиди ҳам Отабекнинг Ҳомид билан гаплашиларни — диалоглари катта мазмун касб этади. Ҳомид ҳаётининг охирги даққикаларидан ҳам Отабек билан юзма-юз турар экан, у ўқувчи кўзиг олдидан номирад, умрини ҳаром-ҳарин йўлда ўтказган бир кимса сифатида намоёб бўлади. Езувчи Ҳомид гуноҳини яна бир карра бўйнига қўйиш билан бирга Отабекни яна «қўё-қўз қилади». У ўз душманларидан ўчини олиш билан бирга Кумушни балодан куттиқаради. Шундай қилиб, Отабек катта савоб иш қиласди.

Эди баъзи иккичи даражали персонажларнинг нутқлари ва бундан кузатилган мақсадни таҳдил қилиб кўрайлик. Кумушнинг онаси Офтобойм ўз даварининг типни вакили. Унга ўз давариде ҳукм сурган, жамият тарафидан қабул қилинган урф-одатлар бегона эмас. Шундай экан, унинг доим Кумуш кундошидан хавф-сираши, кўркиниша ва доим қизини огоҳлантириши бироз галати кўриниши мумкин. Улар яшаган шаронтда иккичу хотинлик эркаклар каммиди? Мусулмончиликнинг яшаш принципларини белгилаган Кўръонда эркакларнинг тўрттагача хотин олиши мумкинлиги қонунлаштирилмаганимиди? Демак, Офтобойм ҳар қалай тақдирга таъ бермасин, доим кўнгли гаш; Кутидордан Отабекнинг иккичи ўйланишин хабарини эшитиб қаттиқ норозилик билдиради, лекин қўлидан ҳеч нарса келмаслигини билиб, ноилож қолади. Эрининг «Кизингин Тошкентга жўнатишга кўн бўлмас» дейнинча «Офтобойм жавоб берини ўрнига ўқириб-ўқириб йиглади» (143-бет). Кейиничалик Тошкентда Кумушнинг қолдирилишига ҳам катта қаршилик кўрсатади, «...кундошлик ўйга ишончимайман», — дейдил. Лекин Кумуш Тошкентда қолади, онанинг кучи етмайди, зотан қайтиши ҳақидаги факрик даставвал Кумуш кувватламайди. Офтобойм ноилож Марғилонга Кумушни қайтар экан, қизига қайта-қайта эътиб ўлишини таъкидлайди: «Кундузингийн кўринини боёғга ўхшаса ҳам, аммо писсан экан. Бундай одамдан албатта ҳазар керак! Агар орала-рингга совуқчилик тушадиган бўлса, сен ўзакишиб

юрма, яхшиси қайин отанга узирингни айтib, бу үйдан кетини ҳаракатнин қиал!» (346-бет). Офтобойнимнинг безовта фикрлари доним ўз оғизидан айтириллади. Бундан Офтобойнимнинг она сифатидаги безовталиги, қизига оғат худдид шу тарафдан келини мумкилигини унинг оналик қалып, бошқаларга нисбатан сезгандай, ҳис қылтандай бўлади. Онанинг безовталиги ўқувчига ҳам ўтади. Уни нимагадир тайёрилаб боради, безовталик қонунг бир нарсалед туолади.

Ёзувчи асар асосига олинган давр одамларини тарихий давр тақосози билан яратади. Персонажларнинг тараққиётни даражаси ҳаётни, сиёсатни тушуниш савиаси, ўз даврига мос. Одамлар анча содда (баъзи ибтидоий ҳам дейиш мумкин). Отабекдан талоқ ҳатини олган Кумушлар оиласидан ҳеч ким бунинг тўғри-нотўғрилигини суриштириб кўрмади, шубҳаланмади ҳам. Уларнинг тараққиёт даражалари, соддакиллар уларнинг тилида ҳам акс этган. Кумушнинг талоқ ҳати олиши, тўйи арафасида кўёвнинг ўлдирилиши ва ниҳоят Кутидорлар уйлари орқасидан уч кишининг жасади тошлиши ўртасида бирор боғланни бормаки деб бирор одам ўйламайди ҳам. Қаттагина ҳаёт кўргаган Кутидор: «—Худонинг қандай ҳикматлари бордирки, шу кеча-кундузларда бизнинг тевариягизмизда қонии воқеалар кўрила бошлади: бутун никоҳ деганимизда Комилбекни ҳаммомда ўлдириб кетдилар, кечаки уйимиз орқасида бир эмас, уч киши ўлдирилдилар. Ҳудо охирини баҳайр қилсан, энди!...» (251-бет). Бу воқеаларнинг ўз-ўзидан боғлиқ эканини сезиши қийин эмас, уларни бир-бирни боғлашин хәлларига келтиринши ҳам ўйламайдилар: «Бу ишга бутун шаҳар ҳайрон. Қилини қирқа өрадиган донолар ҳам бир нарса тўқий олмайдилар...» (250-бет). Ёзувчи персонажлар билан тарихий тараққиёт ўртасидаги боғланнишга алоҳида аҳамият берип боради. Ўз тиллари орқали персонажларни характерлаб бу асар фазиллатаридан бирига айланади. Қаҳрамонларни чуқурроқ кўрсатиш, уларнинг ички бир кечинималарининг тасвирига «келавермайдиган» ҳолатларини улар тили орқали реаллаштириади. Отабек тасодифан Кутидорлар уйидан чиқсан сочинилардан Кумушнинг тўй куни тайинланганни хабарини топади. Лекин шунга қарамасдан у умидини узмайди, нималарнидир ўйлаб Марғилонга (у бу бўлаётган во-

қеаларда Кумуш айборд эмас, ҳаммаси отасининг иши деб билади) қатнашдан қолмайди. Отабекка қараганда Кумуш ҳолати аникроқ — у талоқ ҳатини олган. Лекин у ҳам умидини узмайди. Бундай қараганда Кумуш нима ҳам дейиши мумкин — чиқсан кўёвларга рал жавобини беради, жуда бўлмагандан кўнишга мажбур бўлади. Лекин умидини узгиси келмайди. Бенхтиёр Отабек ёнини олгандек бўлади. Кутидорлар ҳоялиси орқасида рўй берган фожнага ҳамма ўз муносабатини билдиради. Ўй бошлиги Кутидор ҳам ўз тахминларини билдиради ва қандайдир балодан кутулганига шукур қиласди. Кумуш ҳам гапга аралашади: — «Бу мақтуллар кимлар бўлса бўлсин, бизнинг уйимиз орқасига яхши ният билан көлувчи кишилар эмас ва буларни тупроқда қоришидираччи ҳам бизга ҳайриҳоқ бўлган қотил ва ё қотиллардир. Бизга мунача яхшилик қилган киши ким бўлса ҳам худо умрини берсени! — деди» (252-бет). Гўё Кумуш Отабек эканини билдирадек. Ҳолбуки, бўлиб ўтган воқеалардан Кумуш мантиқий хулоса чиқаради холос ва ўзи ўйламаган ерда Отабекка умр тилайди. Шу воқеа муносабати билан Кумушда яхши кайфият ҳам тугилади. Юқоридаги гапларни Кумуш ниҳоят хурсандлик, қандайдир кўтаринниклик билан ифодалайди. Гўё шу билан кўргуллари тутаганлек, янги ҳаётга қадам кўйтандек бўлади. Бу гаплар Кумушнинг Отабекдан умид узмаганилигига, қўнглининг қаеридадир доним унинг ёди сақланганлигига имодек бўлиб туради. Кумушнинг гаплари унинг асл мақсади, ички кечинималарини ифода этиши билан доним киши эътиборини тортиб туради: шунчаки айтган гапларида ҳам унинг чукурроқ кўрсатадиган томонлари бор.

Абдулла Қодир оғир, вазми одамлар тарафдори, унинг севгани қаҳрамонларига бу хусусият хос бўлиб, улар қандайдир сенжиллик билан ўйлаб турб гап бошлайдилар. Гапиравёттаниларидан шаронтии, сұхбатлошини ва айтмоҳи бўлган гапини эшитувчиларга кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олаётгани сезилиб туради. Уста Олим Кутидорлариниң боғи, уларни бўлиб ўтган воқеалардан, бошларига тушган кўргуллар, унинг сабабчиларидан хабардор қылмоқчи бўлар экан, узининг маълум даражада алоқадор эканидан мамнун бўлади.

Уста Олимдаги мана шу ҳолат, унинг Кутидорларининг боришида, ўзини тутишида ҳис қилинади. Кутидорлар уйи орқасида рўй берган ҳодиса туфайли кўнгилларини сураб маҳалла-куй, қариндош-уруг, таниш-билишлар келишиади. Уста Олимни ҳам танимаганлиги туфайли шундай кўнгил сўровчилардан деб билишиади. У ҳам гапни тезда бошлай қолмайди. «Кутидор «нимо комушинг бор менда» деганидек қилиб унга савод назари билан куз ташлар ва куръон тингловчи кишидек бўлиб ўтирувчи мажхул жишиндан таажжубланар эди. Ниҳоят шам келиб токуга қўйдирилгач, уста Олим сукутдан бошини кўтариб, Кутидорга қаради» (252 — 253-бетлар) ва шундан сўнг аста-секин гапни бошлади. Уста Олимнинг ҳаракатида бу онлага хушхабар келтирганидан мамнуният ва Отабекдек олижаноб бир йигитта сирдош бўлганидан бениҳоят хурсандлик берилади.

Биз юқорида ҳайд этганимиздек, «Ўтган куylар» бироз кўтарики руҳда ёзилаган. Асарга хос бу хусусият унинг персонажлар нутқига ҳам тааллуклайди.

«Мехробдан чайёнда эса бу борада бироз бошқачароқ йўл тутилган. Умуман бу ҳол «Мехробдан чайёнинг «Ўтган куylарга» нисбатан бошқачароқ характерда яратилганилиги билан ҳам изоҳланади. «Мехробдан чайёнда қаҳрамонлар жуда катта мулоҳазаларга бориб, «гапирайми-гапирмайми» деб турмайдилар, гапиргандга ҳам жуда «қойил» қилиб «чертib-чертib» гапирмайдилар. Уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари соддарор, гапларни ҳам жуда катта «фикри», «мулоҳазани» билдириш воситасига айтанимайди. Буни Раъно ва Анаэр, маддум ва Авар, Раъно ва Нигорхоним муносабатларида ҳам кўриш мүкин»

Бу билан биз «Мехробдан чайён» романидаги персонажлар нутқининг вазифаларини камситмоқчи эмасмиз, балки ёзувчининг қўллаган бу бадий приёми асарнинг умумгояси ва формаси билан боғлиқ эканини тъкидламоқчимиз. Бу роман ёзувчининг реализм принципларини чукурроқ эгаллаганини кўrsатувчи асар эканини қаҳрамонларининг нутқларида ҳам кўриниб турибди.

«Мехробдан чайён»да персонаж нутқини индиқидуаллаштириш ва шу восита билан характерларни чукурроқ кўrsatiшiga катта эътибор берилган. Хулоса қилиб

йтганда, «Мехробдан чайён»да персонажлар нутқидан кўпроқ мақсад кузатилади.

Катта санъаткор ижодида ҳамма нарса, ҳамма бадий тасвирий воситалар — катта-кичиқлигига қарамасдан шта солинади, ўрии билан маълум гонни ўтказишга сафарбар этилади. Айниқса, Абдулла Қодирий қўллаган бадий воситаларни ўрганиш шу билан ҳам қимматлики, улар (баъзан ибтидой формада бўлсалар ҳам) биринчи марта янги ўзбек совет прозасида қўлланади. Абдулла Қодирий бу воситаларни ҳамма вақт кашф қўймаган бўлса ҳам (чунки Абдулла Қодирий қўллаган тасвирий воситалар рус ва бошқа халқлар прозасида қўлланилган, ишланган), улар Абдулла Қодирий томонидан ўзбек адабиётига тадбиқ қилинди ва ҳаммага манзур бўлдиганди асар яратилди. Бу оригинал асар ўзбек совет адабиётининг иларьик намунаси сифатида, ўзидан кейинги ёзувчилар ижодига таъсириз этиди. Кейинги авлодлар Абдулла Қодирий қўллаган ўзбек тили имкониятларини ривожлантирилар, кенгайтирилар. Шу жумладан, персонаж нутқларидан кўп мақсадда фойдаланиш, унинг асар гояси ва шакли билан боғлаш борисада янги погонага кўтарилилар. Айниқса, Ойбекнинг ўзбек адабиётининг классик асарлари қаторидан мустақил ўрини олган «Кутлуғ қон» романидаги бу нарса яққол сезилади.

Ўўлчи «мулодим табнати, соддатни, оз бўлса ҳам мазали, маънини гапи, куч-куввати билан одамларга ёқди». Унинг вазминлиги, характерига хос томонлари ластавал тили орқали билинади. Йўлчи камтап йигит, лекин ўзини ҳақ деб билган ерда албатта гапиради. У Мирзакаримбўй билан сухбатлашэр экан, ўрии келгандага бойга жавоб беришни лозим кўради. Индамай қўйини мумкин (боб нутқидан назаридан) бўлган ерда ҳам гапиради — ўзининг ҳақдигини исбот қилиш керак бўлгандага индамай қолмайди, «Ночорлик, тога», деб Йўлчи ерни сотига мажбур бўлганигини изоҳлади. Иккичи ерда «— Тога, бошқа иложимиз йўқ эди», — деди. Холбуки, ба гапларни айтмай бойнинг гаплари — насиҳатларини тўғри, ўринни деб, бойнинг ҳурматини келтириши мумкин ҳам эди. Бироқ Йўлчи мағнур йигит, у нима бўлса ҳам бойларга яхши кўрниб кув кўриш, ту топишади ҳазар қилиди. Бунинг Йўлчи тилидан айтилиши ҳам унинг характеридаги, кейин биз рўй-рост

күрган — автор ривожлантирган ундағы бу хусусиятта заминдең бұлаб боради. Іұлчи гаплары воқеа ривожда, дүнәқараши, ҳәётни тушуниши, сиёсий онгизнинг ўсиши натижасыда катта салмоққа зға бұлаб боради. Ұз күнчига, үзининг ҳақлигига ишонған Іұлчи гапларина ишончы, мұшохадаларға бой тарзда баён етади. Агар біз Іұлчининг бой билан бириңи марта қиси-либ-қимтитиң гапириганини, сүңгрөқ бойдан үз ҳақини талаң қылған воқеа билан солиштирсан. Іұлчидеги катта үзгариши рүй-рост құрыш мүмкін. Іұлчидеги олжыр бор сезилған ғурур үзін ҳақ эканини билдириша ривожланып. Энди у бойнинг ўшинан ҳам, қариндошларғанинг ҳам жозини қылмайды. Үзининг камситилишига, хұрланишына қарши бөш күттаради, бой билан юзма-юз туриб унинг разыналғанни фош қылади. «— Бекоргам? — Іұлчи Мирзакаримбайға томон ғарадасын чүзіб қич-қырді; — Сизде иккі ярим яйл ишлаб елкем яғир бўлди. Соқолингизда битта қора тук йўқ-ку, ёлон гапирасиз, уят! Кийим дейсиз, қанақа кийим? Этик, чопон ва бошқаларни кўя беради, биронта янги дўппи кийганим йўқ, бу остоңада!...» (252-бет). Ҳақини талағ қылғани келған Іұлчи..., «хөзир унинг назаридә оламда зиг паст ва разыл қўринган Мирзакаримбай билан пул юзасидан хиралашини, ёқа бўгиши үзнга ор билди. Сакраф ўрндан туриб, бойнинг олдига борди. Масхара ва киноялни захрини кўзларнда ғандар қичқырді; — Бундан кўра гўнг титканнинг яхши эмасми, кекса товуки!» (253-бет). Мирзакаримбайдек пул учун, фойда учун ҳар қандай одамгарчиликка оёқ қўючи одамга иисбатан шундай дейиши Іұлчининг жасорати эди. Іұлчи алданғаннага ағас-санади; Гулнордек баҳтидан айрилар экан, унга пулнинг қадри бўладими. Бойни ҳақоратлаш орқали озигина бўлса ҳам аламидан чиқади.

Іұлчи атрофидаги воқеаларнинг қуюқлашиши, унинг аста-секин бор-йўғидан ажralиши унинг теран фикрлашга, дүненинг иотекис тақсимланғанларнин тушунишга олиб келади. Бундай фикр аввалига унинг кўнглидан ўтади. Шаҳарда бириңи келган кунни меҳнат қисла, бир инмалик бўлышига ишонади. «Яхши ишласам, албатта, чакки бўлмайди. Негаки, булар қариндошларим, ҳаммадан юлсалар ҳам мендан юлмаслар» (15-бет). Лекин тез ўтмасдан, Іұлчи шаҳардаги

мехнаткашлар ахволини кўриб, айниқса бозорга қовун көлтирган дәхқон фожиасига гувоҳ бўлаб, тетикроқ фикрлайди, ҳайрон бўлади.. «Ажаб дуне экан! Ҳар ерда дәхқоннинг иши чатоқ. Ери бўлса улови йўқ, улови бўлса ери йўқ. Қўнида иккиси ҳам йўқ. Мана, мен!..Хозир қаёққа қарасан менга ұхшашлар...» (36-бет). Шундан кейин эса үзин ҳақида ҳам ўйлаб қолади, қариндошларига иисбатан кўнглида шубҳа пайдо бўлади: «...қариндошларимиз ўлгундай пишиқ одамга ұхшайди. Фирромлик қилишим жынын мали-я...» (36-бет).

Юқорида көлтирилған мулоҳазалар Іұлчи қўнглидагигина ўтади. У бирор одамга оғиз очиб ҳасрат қўлмайди ҳам. Езувчининг Іұлчи фикрларини ички монолог орқали берини тасодифий эмас, албатта. Бу, даставвал Іұлчи характери, табиати билан болганиб кетади. Іұлчи вазмин, камгап йигит, кўнглини ҳаммага ҳам очавермайди. Яна, Іұлчи ҳали бундай фикрларин овоз чиқариб, бирор билан дардлашишга тайёр ҳам эмас. Іұлчи дўстларни кўп бўлғани билан улар билан у ҳар нарсани галириши эш билмайди. Іұлчи фикрларининг ички нутқида кўчирилини, сўзсиз, асар гояси ва образ мояддати билан болганиб кетган. Аҳамиятлиги шундаки, шу ички нутқдан ҳам Іұлчиди рўй берадиган эволюцияни кузатиши мүмкін. Унда аста-секин үзгариши, дадиллик сезини боради. Іұлчи шаҳарга келаётганида чохонада тўхтар экан, у ерда шундай сұхбат гувоҳи бўлған: «...ўрта ёшли иккى дәхқон ўтиро, бу яйл сабзи-пішенинг бозори касодлинидан ва уловсизликдан ҳасратлашар эди. Бирни сўзлаб-сўзлаб, қамча дастаси билан еткасини қашир, иккисини эса, қўнжи бир қарич, чурук чоригини кўрсатиб: бу қачон янги бўлади? Сен от-уловдан гапирасан! Дәхқончиликда барака қолмади. Дәхқонни сира мазаси йўқ» (4-бет). Іұлчи кулонига кирган ба гапга эътибор қўлмайди, ба гап мазмунини чуқур ўйлаб ҳам кўрмайди; чунки у ўз кучи, меҳнатига ишониш, қариндошлага орқа қиласади. Ҳамма умиди шаҳардан. Ажлари Іұлчига ҳаёт, турмуш мазмунини чуқурроғангашига кўп вакт керак бўлмади. Бойлар ва камбағаллар ҳәётидаги чуқур контраст—биришнинг кундан-кунига камбағаллашиши, бор-йўғидан ажralиши ва аксина, бойларнинг янада бойиши Іұлчини ҳаётта тетикроқ қарашига үз кузатишиларини, фикрларини шубҳа ва англашилмовчилик-

ларини, ҳаёт мұаммолосын очық айтышга олиб келди. Бу жиҳатдан Иұлчининг майда буржуа идеологиясыннан вакили Абдушукур билан сұхбати характерлайди. Физр-йұлларни очиқкасыға ҳамма билан гапиришин әктирган Иұлчи билимдөн, саводлы, китоб күргән Абдушукур билан сұзащишиңа әздік еседі. Иұлчи гапларидаги мантық уннинг күп нарасага ақыл еттеганини күрсатады. Бугина әмас, балқы у үз фикринде тушунарла бир формада айтады ҳам. «Хұп! Неге бой йұқ, камбагал жағдай да? Тұғри, ҳаммамыз мұсылманды, бир жортда яшаймыз. Аммо, Мирзакаримбой башқа, ман башқа! Хұжайнұллар бол, малайлар бол. Ойни этак билан яширип бұладымы? Хұш, нега менинг ҳақ гапим фитна бұлады?» (264-бет). Бу тұғри мұлоғазасаға қарши келтирилған Абдушукур далиллари зса жуда жүн, асосын сұйып күрінінди. У үз фикринде Иұлчига түшүнтира олмайды ҳам. Тұғриғоги, улар бир-бірларини түшүнмайдылар. Чунки улар иккі дүнен одамы зәделар. Иұлчи дүнен потекис тақсияланғанлығын түшүнады, бирок бүннинг сабабларын, уни қандай тұғрилаша керактынни бирдан билмайды.

Езуучи олган конкретті давр — революция арафасы — қарама-қаршилайлар ниҳоят авжига чиққан, тамоман иотиничлик даври эди. Осоишталик бузилған күрінінде жуда итоаткор, мұлойым, құйдек ююш халқыннан революционлашиши ниҳоят тезлашған бир давр эди. Иұлчи мана шу даврда яшады. Уннинг құзғалончи сипатида шактасын асослаған. Аста-секин уннинг онласы вайрон бұлды, отасы үлді, ери сотилди, онасы үлді, уйи сотилди. У тимай ишласа-да, бири иккі бұлмады за ниҳоят зұрлік билан уни маңызуасыдан жуда құлдайлар. Иұлчи атрофига қарар әсқан, ҳамма ерда ҳам камбагаллар құкық паймөн этилаёттеганини, күн күріш ниҳоят оғирлашаёттеганини күради. Шүндай құлдайлар, Иұлчи оғнининг үсішига заман етарал. Ұнда үйғониб келдегін янғына қараш, ҳәдеси чүкүрроқ мұшоҳада қылыш даставалов тилемде «ұз сұзларыда», гапириш мансарасыда күрінінди. Уннинг оғнигда рүй берген үзғарыларыннан үз сұзлары, тилем билан мұштарақтылығы Иұлчи образыннан фазылтап тарағадылар. Езуучи Иұлчини үз дөнрасыдан узиб құймайды, уннинг үзини тутиши, гаплары оғнига, дүнәқарашибига, савия-

сига монаңд равишида ривожланныб боради. Энди Иұлчи за Гулнор гапларында жылдырылған.

Ойбекда севишилдер жуда иффатлы, түрли бачканалықтардан холи мұносабатда бўлишиди. Ҳарактерларни шундайды, улар ўз мұхаббатларини юзма-юз түрнб очиқдан-очық исбот қылмайдылар. Балки қандайдыр үйлар билан ўз севишилдерни билдирадилар. Бу ўзбек йигит ва қызларига хос бўлган тортиңчоқлиядан ёки буюк тақвиде В. Белинский айттаганыдек: «Түнгиссанғыз-чи ахир, ошиқ-матыуқлар (агар уларда озим-кўпми қалб деган нараса бўлса) бир-бірләри билан учрашгандарда кўпроқ, бутунлай ёт ва арзимас нарасалар ҳақида сўзлаб ўз мұхаббатларни тұрғысига ахён-ахёнданғина гапирадилар. Улар севги ҳақида лом-мим демасдан туриб, омма олдида ўз мұхаббатларини изҳор этаудар. Уларни ана шунга мажбур этишида авторининг саньнаты намобён бўлади». Мана, Гулнор билан Иұлчи, Езуучи уларни бир-бірләри билан учраштырады, кал гаплаштырады, лекин уларнинг бир-икки оғиз гаплары, савол-жавоблари бир-бірларига қандай кучла таъсир қылса, даяжонга солса, баҳтиер қылса бундан ўкувчи ҳам шунчы севинади, завқланади. Ҳолбуки, уларнинг сұзлари, гаплари күрінінде жуда оддий, лекин уларнинг руҳий қолатлары, кечинималары за ниҳоят, айттышы тағберланған шаронт бу гапларга катта маътино юклайды. Гулнор билан Иұлчининг бир-бір билан танишишлари (аввали бир-бірларини күрганлар, холос) Нурининг түйіда рүй берди. Юрак очишилари зса Гулнорларнинг далала күчши пайтига тұғри келди. Иұлчининг Гулнорларни күчириши юракларда аллақандай ҳис-түгіудар үйготувчи ажойиб баҳор пайтига тұғри келади. Езуучи баҳорини, табиат үйгөнгөн пайтиң зүр маңорат билан тасвирилаб севишилдерге ажойиб он бағшы этади. Уларнинг сұзлари, бир-бірларига айттан оддий сұзлари ҳам юракларидати чүкүр севишиларни намойши этиб тұрады. Гулнор сув олгани ариққа боради. Иұлчи у ерда юз-құлниң көзаста бўлади. Гулнор Иұлчи илтифотига — «раҳмат, сув ташып үрганғайман, сиз ҳам ғарчагансиз, — дейді.

— Қарчаш? Иұлчи, — деди кулиб Иұлчи, — ғарчаш уят-ку, айнисса сизни күчириб келган күн...».

Сүйг Гулнор Нури режаларини билдиради. Иұлчи ради жавобини беради.

— «Нимага? Ҳар ким ўз тинчлигини хоҳлайди. Нури опамнихи ҳам яхши жойку, — деди-да, Гулнор яширичига қарағ алди.

— Буни ўзим биламан, — Йұлчи бироз сукут қылди, сүйт деди: — Сизге айтсам хафа бұлмайсизми?

— Нимага хафа бұлай? Айтақолинг, балки сезинарман, қим билади... — шириңганағы сұзлады Гулнор.

— Сизни күзим құймайды, сиздан узоқшашын келмайды, Гулнор!» (163-бет). Езувчи бу сезинарманлар учрашувины саҳиілдік билан тасвирлайды. Гёй табиат ҳам by учрашуидан шод, баҳтиәрдек түюлади, кишиға. Уларнан түйгүлари, шодлығы ҳам ниҳоясиз. Улар бир-бірларын күрсілар кифоя, сұзлар ортиқацек бұліп түюлади; лекин айтылған ҳар бір сұз, кетте ке-чинмалар ҳис-жаяқонлар натижасыда ифодаланар экан, бунинг ақамынін үлчөсіздір. «...Пұлчи қызининг құлидан кетмөн оларқан, бир құлы билан унинг билагидан секининг тұтады. Юрагіда сезгілары тошғалығы за айтиб битиролмас, сұзға симас фикрлары, қыслары борлығынан күрсатуучы бир вазиятта Гулнорға тикиліп қолады: Сұйг, кеңг ва мәрд юзини бирдан илақ күлгін қоллади:

У күнгі гап-а? — деди.

Гулнор чироппай вә зерка табассум билан, хұп дегандай, бошниң құмралатди, кейин: «албатта!» деб сұз билан таъқыллады» (168-бет).

Бу қысқа диалогда жуда күчті подтекст ҳам бор. Қалбларини самимій сөргі қоллатаған иккі ёшда самиміят, қалб поклиги, бир-бірларынан ишонч ҳаммаси мана шу қысқа савол-жавоб орқалы берилған.

Гулнор бойға сұратылади. Бор умри меңнатда, муҳажжилікда үттеган отаси Ермат бундан хүрсанда бұліп кетады. Қызыннан бойға узатилишина рози ғұлышыда Олимхон әлликбоши билан үтказылған сұхбатыннан ўзи етапы бұлды. «Әлликбоши мана чақириб алди. Фозил одам билан сұхбатлашсанын роҳат қыласанде. У кишининг сұзларын китобда ҳам йўқ, шундай маънволи... Ана сұзға усталигу. Гаплашдик. Даастурхон жойида, қаңқ-қурс, мева-чева, сазын йўқ... Сұзлашдик, хотин, у киши сүзин алантаририб, сизден баҳтты ота жаҳонда йўқ, деди» (199-бет). Бир уйр бойлар шынгидеги меңнат қилиб бирор марта ҳам бирға ўлтиришга мұяссар бұлмаган Ерматтаға ўлтириб сұхбат қилиш катта баҳтдек

түюлади. Ермат ўзини одам деб ҳисоблай бошлайды. Үнга бүйрүқ беришмади, иш буюршишмади. Элликбоши «бутун маҳалланинг отаси етти яшардан етміш яшарғана үнга салом берады, күл қовуштиради. Обрусы баланд, сүзде ягона одам. Закут билади» (199-бет). Мана шундай одам Ермат билан гаплаши. Магрур, олифтада иш аучын шүннің ўзи етапы. Бу факат бошланиши, ҳали бойға қайната бұлса, қандай бұлар экан! Ерматнинг одамларға бўлган қарашидаги, вазиятни тушунидаги хатоси — фожиаси унинг ўз сұзлары билан ифода қылниади.

Ерматнинг шу гаплари орқалы ҳам унинг ўзига ишонч ҳосис эттән, гуурулганғы, Олимхон уннан қўндириши учун күп меңнат сарф қылмагани кўриниб турбиди. Бой хизматкорлары орасында узиннан бойға яхни олиб, доимо бойнинг маңбағатларини қўзлаган бу одам ўзиннан тақдирланған деб ҳисоблайды. «Ермат кўлинин белбогига қисдириб, қандайдай бердана юриш билан юриб қолди. У күёв — хўжайиннинг юмушларини бажариб, уйта қайтганда, хотининг, шизвир-шизвир билан, ё имо билан гапиради, у сўзларкан, юзларига тоғ дўй, тоғ газаб, тоғ ялинчоқлик ёйлади. Унинг кўлларидан бутун умрида ушламаган қоғоз пуллар шилдирағ қўяди баъзан» (205-бет). Уша давр учун ёш қызининг қари одамга узатилиши гайри табий бир нарса эмас эди. Лекин шунга қарамай Гулнорнинг онаси бу хабарни эшитиб, «ирғиб түшди-да, иккі құлы билан иккі тиззасига шарт-шарт уриб бобиллаб гапириб кетди»... (200-бет). Гулсумбубиши бу хабарни Ермат каби «яхшилик», мана қолса, тушга кирмаган бир яхшилик» деб билмайды. «Сиз ҳали чучварани хом санағисиз, — Гулсунбубиши кўз әшларини этак учы билан артиб сўзида давом этди. — Тўғри, улар бой, жуда бой. Аммо улар Гулнорга тинчлик бермайды. Бойнинг уйн сарой бўлснан, баринан Гулнорға зиндан бўлади» (200-бет). Бу жавобда Гулсумбубининг Ерматдан анча ақлалығы, ҳаётини, бойларни, қизи қалбини яхши билишиш кўриниб турбиди. Гулсумбубининг мушоҳадаси олдида «Хотин кишида товуқча ақд бўлмайды», — деб билгаган Ермат яна ачи-нари бўлғиб кўриниади. Гулнорнинг бойға узатилиши муносабат билан Ермат ва Гулсумбубилар ўртасидаги муносабат бу иккі образин яна чуқурроқ күрсатиш имконини беради. Бу ҳар иккі образ иштеп келингенде, Ермат жаңа күннен күннен калыптады, Гулсунбубиши же Гулнор же ким болады? Бу иштеп келингенде, ким ким болады?

қынга эга, уларнинг характерларини очишда муҳим роль ўйнайди.

Қизига бу шум хабарни етказиши онага юкланади, ёзувчи бу иккى бечора аёлни айди. Онанинг қизига бу даҳшатли хабарни қайси сўзлар билан етказганини тасвирламайди, бошқача қилиб айтганда, бу хабар она «стилдан» айтилмай ёзувчи томонидан айттилади: «Онада бардош қолмади. Ҳўнг-хўнг йиглаб Ермат келтирган мудҳиси хабарни севикили қизига билдириди».

Ёзувчи эпизодик образлар устида ишлагандага турли-туман воститалардан фойдаланади. Айника, нутқи портрет бу персонажларни характерловчи асосий во-ситага айланади. Йўлчининг дўстлари, ҳамфирларни ўзи каби кунини зўрга кўриб аста-секин бор-йўғидан ажралта мешҳаткашларнинг иутуклари ҳам характерли. Уларнинг гапи орқали ёзувчи тасвирланаётган даврдаги халқ кайфиги, уларнинг фикр-йўлари ва замонани тушуниш даражасини кўрсатади. Эпизодик образлар бўлмиш Шоқосим, Алиохун, Уроз, Қамбар гаплари орқали улар билан ўқувчи яқинроқ танишади, оиласив аҳволи, бошида ўтганлардан хабардор бўлади.

Ёзувчи Йўлчи образини тўлатишида даврини кенг ва чуқур кўрсатувчи эпизодик образларни ўз тили билан гапиритиришдан фойдаланади. Йўлчининг ҳаёт мураккаблигининг тагига этишида икки фактор ёрдамга келади. Биринчилаш — бойлар ҳаётини, уларнинг туриш-турмушини, фикрларини яқиндан билиш — улар қўлида ишлаб характерлари билан ошно бўлиш, ҳаётлари мазмунини чуқурроқ тушуниш бўлса; иккинчи тарафдан, ўзи сингари мешҳаткаш дўстлари ҳаётининг, кун кечиришларининг гувоҳи бўлишидан. Йўлчи дўстларининг савииси, билими, дунёни тушуниш даражалари ҳар хил бўлишидан қатъи назар унинг ҳар қандай эркин фикрни, мушоҳадаларини қувватлайдилар, маслаҳат берадилар, ўзлари билганча ривожлантиридилар, бошқача қилиб айтганда, Йўлчининг ўйлари ўз гуруҳида тушуниш етмаслик натижасида ҳар доим ҳам кувватлана бермаса ҳам, лекин ҳеч қаршиликка учрамайди. Бунинг натижаси, айниқса, қўзғолон вақтида билинади. Йўлчи қўзғолон вақтида яқин дўстларининг ҳаммасини кўради.

Асарда эксплуататорлар образлари ҳам кенг ўрин тулади. Масалан, Жамолбой номи икки ерда тилга

олинади, биринчи марта ёзувчи Жамолбой билан шундай таништириди. «...яқинда бой бўлиб, бирданига семирган пахта завод соҳиби Жамолбой» (26-бет). Бу умумини характеристика унинг жамиятдаги ўринин билдиради. Лекин у ким, ақли, фаросати, дунёни тушуниши қандайди? Бу маълумотлар унинг ўз тили орқали берилади: «Мен кўрдим театрини, — ҳовлиқиб, пихиллаб сўзга киришади пахтачи Жамолбой, — Абдушукур қизинқитрган эди, борсан бораён дедим. Сиз уни мактаб дейсиз, Абдушукур, қандай қилиб мактаб бўлади у? Домла қани, шогирд қани? Мен борганимда бир илмисиз боланинг безори бўлиб кетганини кўрсатишди, холос.

— Мактаб эмас, ибрат дениг, — кимдир изоҳ берди.

— Менга колса деч имма эмас, — давом этди Жамолбой, — ўша кунин Абдушукур ҳам ўйнади. Қизиги шуки, мен уни сира танимай қолдим. Бу кинни олабайроқ тўн кийгай, узун соқолли, билмадим, имомми, эшомми бўлиб чиқди... Овозидан ҳам танимадим. Абдушукур, овозини буналини бошқача қилишини кимдан ўргандингиз? Ҳунарингта балли-е. Лекин, тўғрисини айтсан, от ўйини анча қизин. Буларникини кўриб бўлгунча, юрагим тарс ёрлиб кетаёди. Нукул гап. Тағин белатта беш сўлковиғ тўлабман. Белат баҳоси эмас, ёрдамнингиз, деб қўйиншида-ди! Бир марта кўрдим, бас, эди елканинг чуқури кўрсиги — Жамолбой ҳаммага бир-бир қараб, «қўих-қиҳлаб» кулиб кўйдиги (31-бет). Бу давлат сўраб турувчи «миллатнинг гули», ўз замонаси «ота-хонининг» гапи. Буларни таърифлаш учун яна бошқа сўз керакмий. Шунинг ўзи Жамолбони ҳар томонлама характерлашса етари бўлади, унинг адабиёт, санъат ҳақида айттган ўқоридаги сўзлариданоқ намоён бўлиб турибди.

Ёзувчи эпизодик образ Гулаандомин асар воқеасига киритар экан, унинг кўргуликларини, саргузаштларини ўзининг тилидан ҳикояни қўлдиради. Гулаандом ҳикояси шу билан таъсирли чиқдикин, гўё у ўша ўтмишга қайтиб, яна ўша ўтмишда яшагандек бўлиб туради. Унинг бошидан ўтганлари Тантига қизиқ эмас, балки Гулаандомнинг ўзига керак, ўрии келган экан яқинларини, меҳри-бонларини бир эслаб, кўз олдидан ўтказиб қўнисаб, ўтмишига бир дақиқа қайтиланек, ўзини онласи, ота-онаси қўйинида тургандай ҳис қиласди. Ўтмиш унга дам баҳт, дам кўнгилсизлик келтириди. Бошидан ўтганларини ҳи-

көя қылыши, шархлаши, ҳаётга қараши, Гуландомни Тантибойваччадан анча юкори қўяди. Тақдир тақозоси билан қўлма-қўл юришга мажбур бўлган, ўзини ҳимоя қилиш қўлидан келмаган, ҳукм сурган тартиблар уни ҳукуқсиз қилиб қўлган бир даврда, у ўз имкониятлари донрасиди, ақлини, фаросатини намоён қилиди.

Асада ўз индувидуал тилига эга бўлган образлардан бирни Олимхон элликбошидир. Олимхон элликбоши үзиннинг тетиклиги, масалага тўғри ёндашини, мулоҳазалари билан ажralбл тиради. Гулнорни Салимхонлар олиб қочишиади. Олимхон элликбоши бунга ким томонидан уюштирилганини дарров сезади. Лекин тошишга ҳаракат қилимайди. Бу ишдан ҳам у ўз фойдасини ўйлаб бойваччалардан ҳам бирор нарса ундириши планини тузади. «Бойвачча,—киноя билан кулиб шивирлади элликбоши,—тўғрисини айтами, сизлар бу ишни эпай олмадинглар. Бундай ишга, бениҳоят уқув, чапдастлик, хўш янга муҳокама ва моҳирлик керак. Энди Салимжонга кириб айтинг, бундай ишдан қўлини тийсин! Бу—бир, сўнгра ҳовлиқмасин, хафа бўлмасин. Биз бу тўғрида «чурқ» этиб оғиз очмаймиз. Айбии кимга ўтказишни биламиз. Аммо манинг яхшилигини унутмасин. Бу ахир, ёмон гап...» (246-бет). Элликбошининг «айбии кимга ўтказиш» режасини тузиши, гуноҳкор қолиб, гуноҳсизин жавобгар қилиши ҳақидаги ўйлари унинг ўз-ўзини фон қилувчи нутқи орқали берилади ва бутун разилиги, мунофиқлиги фоши этилади.

Иўлчини қаматмоқчи бўлган Ҳакимбойвачча ҳам бу ишни Олимхон орқали бажармоқчи бўлади. «—Бойваччам, бу жуда мушкул иш. Дуруст, Иўлчи ёмон бола. Аммо, биз уни орқасида қони билан, қўлида тугуни билан ёқалаганимиз йўқ, пичогида ҳали қон кўрмадик. Мажкамадаги ўрис тўраларини кўлга олиш, Иўлчини бирон нарсада айблаш керак бўлади. Бу нарса ҳазисл эмас!». Шунинг учун ҳам элликбошининг одамни бекордан-бекор қамаш қийинлигини таъкидлашдан мақсади. Иўлчини ҳимоя этиш эмас, балки ўзининг «хизмати» оғирлигини қайд этиш эди. «Лекин камина сизнинг илтимосингизни ерда қолдиришдан кўра, ҳар ҳақидаги машҳақатни ўз зими масига олиниш аъло «кўради», (260-бет) деб алоҳида таъкидлайди, бунинг заманинда эса, унинг тамагарлиги яширинган эди. Ҳар ҳолда, бундай гапларни персонажнинг ўз оғиздан эшитни таъсирили бўлади. Мана шундай

одам ҳақида бечора Ермат кагта маминуят ва ҳавас билан гапиради.

Асада бир кўриниб ўтган, Иўлчилар баҳтини поймол қўлувлардан бири Парнихўжа ўзининг сабобли иш қылганига шак-шубҳа қўлмайди. Ҳужрасида Гулнор яширинганини билиб Олимхон элликбошига югуради ва шундай деди: «Махҳалламини бирмунича обрўли одамиман, Олимхон ака. Алҳамдулла, шу вактгача номимга дег тегдирган эмасман. Ермат эски мижозим, ҳам чин мусулмон одам. Камбагал бўлса ҳам, иносифи бор, ақли бор, номуси бор...» (244-бет). Парнихўжанинг Иўлчилар планларини барбор қилиши билан, айниқса камбагаллар ҳақидаги «фалсафий» фикрлари кишининг ғашинга тегади.

Баъзи қаҳрамонлар шароитга қараб мажбуран гапирадилар. Гапиришга мажбур этилиши ҳам маълум бир нарсанинг, мақсадининг кўзда тутилиши орқали келиб чиқади. Эпизодин бир воқеани эслайлик. Фазлидин билан Салим бир боғни кўрганинг борищаиди. Қарзин тўлолмаган камбагал боғининг баҳридан ўтишга мажбур бўлади. Отаси ўлиб оила, рўзгор бошинга тушган ўспирин йигитининг турши (позаси), қиёфаси ҳар ҳақидай тушуни тиришдан таъсирили. Онларнинг бутун умиди бўлган боғ ҳам қўлдан кетаётинти. «Эшикни қонмасдан бурун, гўё уларни кутиб ўтирган каби боғ этаси чиқди. У кўринишда уятчанг, 20 яшар йигитга эди. Бойваччаларни боқقا олиб киради, ўзи бир тўнкага ўтириб ерга қараган ҳолда деди: — Кўринглар, ана боғ!» (288-бет). Богдан мамину бўлган Салимбойвачча «— Ақали бола экансан ука, ота қарзини узигша бел боғлассан. Бир томондан, дланганинг арводи хушнуд бўлади, иккинчи томондан, ўзинг жўраларинг орасида бошнингни кўтариб, хўроздай юрасан. Қарз кишининг бошнини буқади. — Кексаларча жиддий ва салмоқди сўзлайди Салимбойвачча» (289-бет). Эрта кунимиз нима бўлади деб ташвишлангаса йигит учун Салимнинг далда бермакчи бўллиб айтган бу гапларни кутили эди. Чунки «хўроздай» юриш учун кўп нарса керак эди. Агар Салимнинг соҳта далласи, тил учидағи мақтозлари бўлмаса эди, боғ этаси бўлмаси йигит, балки ҳасрат қилимаган бўлар эди. Йигит Салим ўйлаганича йигитлик гурури билан гердайб юриши учун боғни берав-ётган йўқ. «Йигит ўридан секинингна турди. Аллақандай гамгин ва ўзгарган товуш билан ерга қараган ҳолда сўзлади.— Тирикчилигини шу боғ орқасида бир наф ўтиб

туради. Ердан қор кетиши билан күчіб келиб бутун оила чумолидай ишлар әдік. Ерга қор тушганды яна ша-харга күчіб кетардік. Бу бөкқа жуда күп мемлекеттік синган.— Інгітчя чуқур хұрсанды, боши яна күйирқ тушди.— Ойын болғандай айрылса, билмадым ишма бұлади. Хали У хабарсыз...» (289-бет). Демек, иш Салим үйла-ғанчалық әмас. Үнда сохта гердайш, хұроздайд бұлып юриш фикри йўқ, балки күн үтказиш, онланы бир амал-лаб бөкші ташвиши бор. Йигиттің жавоби Салимларға иисбатан үкүвчиларда нафарт хиссесиң үйогатади.

«Кутлуг қон» романнда әзүвчи тиленнің ҳам үзігін хос томонларини, уннің бадий услугуга дони айрым харак-терлі хусусиятларни кузатын мүмкін. Ойбек саҳнің әзүвчи, қаҳрамонлардағы у босқидик, феъли көнгілек, вазыннан күнде күралди. Ойбек үз идеалдың үзбек йиги-тиңнің революция арағасындагы типик чизиқларини Пұл-чи образыда мужассамлаштиради.

Іұлчы үз ақыл, гаплары билан атрофидагилардан ююрі туради. Іұлчиннің бой табиати, саҳнің қалбы, гү-заплары уннің үткідін ҳам «күрінінб» туради. Пұлчин-нің Гулнор билан учрашиш картиналары, уннің Мир-закаримбайдан дақынны талаб қылышы, Абдушукур билан үтказылған сұхбатларыннің эсда қолишида Иұлчиннің ақыл, маъне тұла сұзлары мұхым роль үйнайды.

Үзбек асарларда, айниңса уннің «Кутлуг қон» романнадаги персонажлар нүтқи вә әзүвчиннің тиби тобора тақмиллашып боради. Әзүвчиннің үзігін хос услуги алохуда бүртіб құріна боради. Бу эса, уннің социалистиче-реализм методиниң чукуроқ зяллал боришидан да-рак беради. Әзүвчиннің йиги ижодий парвозын заман тайелрайды.

Адабиеттің илор традицияларын үзлаштириб, уни-ююрі босқычка күттарған әзүвчилардан Абдулла Қаҳ-жоринің бадий тиля соҳасыда, айниңса, персонажлар ти-ли үстіда ишлеш борасыда қылған хизматлары мақтоваға сазовордир.

Абдулла Қаҳдор үз асарларда персонажлар нүтқ-ларидан асар гояснин очиши, тасвирланаёттан өндеалар характеристикасина берінша көнгі фойдаланады. У персо-наллар нүтқи, уларннің гапириш манерасы, унга тай-ёрланған шароит имкониятларын көнгайтиради.

Әзүвчи қаҳрамонлар тилені ниҳоятда мөхірлік бил-лан беради; қаҳрамон ҳәттіда, фикрларыда, кечинмал-

рида, кайфиятларда содир бұлған билиншес-билиншес үзгаришлар ҳам уларннің үз тилларыда берилади. Езув-чи қаҳрамонларни характерлашты уларннің үзларига топширган кезларда бу нараса яқындағы хіс қылышнади. Асар-да персонаж гаппрадының ійқеми, еки гапиригандай бұла-дымы ҳаммаси автор ныятлары, асар асосынан олинған во-кес, күттарлғанғо билан чамбарчас боғланиб кетади. Кичиннегін «Бемор» қысасында таңдаған том воқеаннің кичик, оддий хабар тарықасыда бериліши шу асар гоя-сидан келип чыккан. Бошқа бағтесизлик еғілған Сотиб-олди гапиримайды. Уннің гапирищига әзінгей ҳам сезилмайды. Сотибоддиннан мүсінбатарларни әзүвчиннің үзін хабар тарықасыда айтіб беради. Зотан, асарнан ру-хи, ошаны шуның тақозе қыладади. Бу кичик хабарда үт-миш рүй-рост күрінади. Сотибоддиннан бошиға түштән ташвиши уяшаган дәвр үчүн типик, оддий ҳодиса. Үнақа-лар каммы? Үндән баттарлар ҳам күн.

«Үгри» га таңдаған тоң — соддалиқ, оддийлік шу асар қаҳрамони, үндаги өндеал өндейтінг мөс.

Хұкисинің ійқотында кетте баҳтесизликка ғұлғықан Қо-бильбобо дөйн гапирикоғы бұлып, гап бошламоқы бұлып тұрады-ку, гапиримайды. Тұғрироги, унга гап берішмайды, үндән сұрашады, у жағов беради. «Оғзың қышиқ бұлса ҳам бойниң үтгіл гапириң» деганларидек, гапни хұжайнин-лар гапириди, өчін жағовгар көбәсигасы кирип боради. Тұғри, өчін жағовгар-да, нега бұлмаса әзүзинин үнгірла-тиб, давлат сұрап түрүвчиларни безовта қыладади. Одам ҳам Бабардек содда бўлдадими? Хотинин докторға күр-сата олмаган Сотибодда («Бемор») ҳам, әзүзинин үнгір-латган Қобилбобо («Үгри») ҳам, хотинин күтирган ит қопған Бабар («Бабар») ҳам гапини топын гапира ол-майдиган, үзини айбен, иочар эканиниң бундай түргираб түшүнгінде олмайдын содда бир одамлардир. Мана шу соддалиқ бириңнің нағабатда уларннің нүтклари, гапи-риши манералары орқалы берилади. Улар бирор одамга бундай түргираб лишик-пухта қылғыб фикрларыни түшүн-тира олмайдылар ҳам. Мана шуннің үзін ҳам одамни «тилсан» қылғыб құйған дәвр айбномасында күттарлади.

Әзүвчи үтмешіннің эт фожиали томони бұлған хұ-ликин, тиляларынан, омиллик даражасында бориб етүвчи соддалиниң фош қыладади.

Бошқа вақтларда әзүвчи персонажга атайын сүз «бермаслиги» мүмкін. Бу ҳолда күпинча персонажннің

ганиришга тузук гапи бўзмайди; шундай экан, нега унга сўз берилсин. Езувчи бундай одамии калака қилишин маъқуз кўради. Жонғигон билан Нурматжон («Қизлар») шундай персонажлардан.

Инглар ўти, замонвлар ўзгарди; инсон даставал инсонлик ҳукуқини таниди. Энди уни камситувчи, хўрловчи, инсонлик ҳукуқини бироз бўлса ҳам хор қилювчиларга қарши у бешафқади бўлади. Бу даставал қаҳрамонининг гапиди, путқида, ҳаракатларди кўринади. Абдула Қаҳдорнинг сўнгги асари «Муҳаббат» да персонажлар таомон бошқача гапирадилар. Бу ерда янги давр кишиларидаги янги тушунча, янги одоб-ахлоқ нормалари, янгича турмуш масалалари кўтарилади. Демак, бадний-тасвирий воситалар шунига мос равишда қўлланнилди. Бу повестда қаҳрамонларнинг ўз оғизларидан гапириш масаласига янгича талаб билан ёнашилди. Утмиша ўзининг ҳақлигини ҳам ҳимоя эта олмаган, тўғрироғи, туширишни ҳукуқидан ҳам маҳрум бўлган аёллар энди бирор орқали эмас, ўзларни ўзарни ҳимоя этадилар, ўзлари «гапирадилар». Муаттар замонавий ёш қиз. Унинг дунёга қараши, одамларга бўлган муносабатларни ўқувчи биринчи навбатда унинг гапларидан билади. Биз бундай ҳолга таажжубланимаймиз, балки унга қойил бўламиш. Муаттар Муҳайдёнинг отаси билан учрашар экан, унга ўтай онаси Марғуба, Анвар, Муҳайдёнга ҳақида билганларини очиқ гапиради, ҳаётга, онлага бўлган қарашларини биринчи кўрган одамии Ҳакимжон акага айтиб беради. Турмуш кўрмаган ёш қизининг ўзини шундай эркни тутиши малол келмайди, уни беодоблика айблаб ҳам бўлмайди. Аксинча, ёш бўлса ҳам принципиал, айёрликни, мугомбирликни билмаган дадил, табиатин шаддотроқ қизга хурматниниз ошади. Воқеаларининг Муаттар оғзидан эшитилини шу асардаги иккинчи даражада персонажни дурустроқ кўрсатиш, ҳарактеридаги айрим томонларини таъкидлаш имконини беради.

Юқорида кузатилган мисоллардан катта санъаткорнинг ҳар бир бадний-тасвирий воситадан, бу ўринда персонаж путьидан унумли фойдаланиши, асар гояси билан боғлай олиши туфайли катта ифодалиликка эришилгани кўрамиз.

Бу ўринда маъзум даражада персонаж путьи масаласини алоҳида, маъзум даражада умумконтекстдан ажратиб ўрганишимиз шартлидир. Чунки бу приёмнинг

тринилилиги, унумлилиги бошқа бадний воситалар билан муштараклигидан ҳамдир.

Биз ушбу рисолада Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдула Қаҳдор ва Саид Аҳмад қаламига мансуб айрим асарларнинг ўзбек адабиёти тараққетида маълум роль ўйнаганини таҳдил қилишга ҳаракат қилидик. Шу билан бирга, бу асарлар орқали у ёки бу ёзувчининг ижодий слубини ҳам белгилашга интилдик.

Биз кузаттан асарлар кўпдан бери тадқиқотчилар ътиборини тортиб келган. Лекин биз ўргангандан масалалар нуқтани назаридан маҳсус текшириш объекти бўлганий йўқ эди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ёзувчи стили, ижодкорнинг ўзига хослиги биз ўргангандан масалалардан анча кенг ва мураккабдир.

Биз олиб борган кузатишлар «Езувчи стили» кабинатта бир масалани ўрганишдаги илк қадам деб қаралиши керак.

226955-



## МУНДАРИЖА

|                         |   |   |   |   |   |   |    |
|-------------------------|---|---|---|---|---|---|----|
| Кириш                   | . | . | . | . | . | . | 3  |
| Портрет                 | . | . | . | . | . | . | 5  |
| Езувчи ишнити ва пейзаж | . | . | . | . | . | . | 48 |
| Езувчи ва қадрамон      | . | . | . | . | . | . | 74 |
| Персонаж нутқи масаласи | . | . | . | . | . | . | 92 |

На узбекском языке

## ВОПРОСЫ СТИЛЯ

АСТОНОЛИЧ  
А. А.

М. Султанова

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номиди Тил ва  
адабий институты илмий совети. ЎзССР ФА  
Тарих, таъсирнижлик ва адабиётнижликлар  
бўйлами томонадан написа тасдиқланган.

Муҳаммад М. Азизов  
Расом М. Султанова  
Техникуарири Р. Рузимова  
Корректор О. Абдуллаева

Р-06231. Терниги берилади 12/II-73 й. Босмалига руисат ишлани 6/III-73 й.  
Формати 84x108<sup>1/4</sup>, босмалари крагон № 2. 1,81 кратко а. 6,09 босма а.  
Ҳизоб-ишларин а. 5,8. Нашрят № 384. Тиражи 1500. Бахши 68 т.  
ЎзССР „Фазз“ кириентининг босмаларини. Тошкент, Чердачев кўчаси, 21. Заказ 35  
Нашреттигини адреси: Тошкент. Готол кўчаси, 70.